




HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2011-yil 12-oktabr, chorshanba ● № 44 (744) ● 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan ● elektron manzil: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

«Күёш»даги қалби күёш одамлар


— Инсоннинг бир коса овқат билан қорни тўяди, аммо меҳрдан тўйган одам топилмаса керак, — дейди Ҳалима ая. — Қарангки, жигарларимни йўқотган бўлсам-да, кўнглимга энг яқин одамларни қайтадан толгандекман. Уларнинг самимиёти, меҳр-оқибати туфайли айрилиқ азобларига бардош бердим.



➔ 3-бет

Қандли диабетнинг давоси топилади?


Япон олимлари сичқонларни қанд касаллигидан доволаб кўришди. Бунга улар ўзга кемирувчилардан олинган асаб тўқималарини кўчириб ўтказиш йўли билан эришди. Тажриба Томоко Кувабара бошчилигидаги бир гуруҳ мутахассислар томонидан амалга оширилди.



➔ 5-бет

Энг муҳими фавқулодда ҳушёрлик зарур

Зилзиладан олдин бўладиган бошқа аномалиялар ҳам мавжуд. Масалан, ер остида радон моддасининг миқдори маълум миқдорда ўзгаради. Бу борада илмий изланишлар олиб борилган. Шунингдек, ер қобиғининг геоманит майдонларидаги ўзгаришлар, деформацияларни кузатиш билан зилзилани олдиндан айтиб беришга ҳаракат қилинмоқда.



➔ 6-бет

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 11 октябрь куни Оқсарой қароргоҳида АҚШнинг Афғонистон ва Покистон бўйича махсус вакили Марк Гроссман ҳамда ГФР ҳукуматининг Афғонистон ва Покистон бўйича махсус вакили Михаэль Штайнерни қабул қилди. Меҳмонлар Тошкентга Афғонистоннинг иқтисодий тикланишини қўллаб-қувватлашга қаратилган халқаро сўй-ҳаракатларни бирлаштириш борасидаги Америка — Германия ташаббуси доирасида ташриф буюришди.

Давлатимиз раҳбари, меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни ўрнатилган борасида уларнинг зиммасига юкланган вазифанинг муҳимлиги ва масъулиятли эканини таъкидлади.

АҚШ ва ГФР вакиллари, ўз навбатида, давлатимиз раҳбарига қабул учун самимий миннатдорлик изҳор этиб, мамлакатимиз Афғонистон муаммосини ҳал этиш ва Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий тиклаш жараёнига катта ҳисса қўшаётганини алоҳида таъкидладилар.

Мулоқот чоғида халқаро ҳамжамиятнинг Афғонистонда умуммиллий ярашувга эришишдаги иштирокига оид масалалар ҳамда Ўзбекистоннинг Америка Қўшма Штатлари ва Германия Федератив Республикаси билан ўзаро ва кўп томонлама ҳамкорлигини янада ривожлантириш истиқболлари хусусида батафсил фикр алмашилди.

(ЎзА)



«Hurriyat» газетаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.

ЭЗГУ ИШЛАРИМИЗНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ — ДОИМИЙ ВАЗИФАМИЗДИР


Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга ошириладиган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 11 октябрь куни Фарғона вилоятида бўлди

Фарғона вилояти ўзининг ер ости ва ер усти бойликлари, ривожланган саноат ва коммуникация тармоқлари, ижтимоий-иқтисодий инфраструктуралар, бой меҳнат ресурслари билан мамлакатимиз тараққиётида алоҳида ўрин тутди. Вилоятдаги мавжуд ана шундай улкан салоҳият истиқлол йилларида фаол ишга солиниб, эл-юртимиз манфаатлари йўлида хизмат қилмоқда.

Меҳнатсевар, меҳмондўст, дилкаш Фарғона аҳли мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, мамлакатимизни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришдек эзгу ишларга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Истиқлол йилларида юртимизнинг

барча жойларида бўлгани каби Фарғона вилоятида ҳам улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди ва бу борадаги сўй-ҳаракатлар изчил давом этмоқда. Шаҳар ва қишлоқлар янги-янги қиёфа касб этиб, замонавий корхоналар, кенг ва равшан йўللар, янги-янги таълим ва тиббиёт муассасалари, спорт мажмуалари ва стадионлар, бог ва хиёбонлар бунёд этилаётир.

Вилоятда жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиши 105,8 фоизни ташкил этди, саноат маҳсулотлари ва халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиши таъминланмоқда.



Давлатимиз раҳбари вилоятга сафарини Олтиариқ туманидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини узоқ муддат ва сифатли сақлашга ихтисослашган корхона фаолияти билан танишишдан бошлади. Саховатли заминимиз ўзининг хуштаъм мевалари,


сархил сабзавотлари билан оламга донг таратган. Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигида амалга оширилган туб ислохотлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жаҳон бозорларига чиқаришга кенг йўл очилгани фермер хўжаликлари

даромадини янада оширишда катта имкониятлар яратмоқда.

Ўз фаолиятини 2010 йилнинг август ойида бошлаган мазкур корхонада 2 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлайдиган музлатгичлар ўрнатилган. Италиядан келтирилган замонавий технология билан жиҳозланган ушбу музлатгич муайян барқарор ҳароратни таъминлайди ҳамда мева ва сабзавот маҳсулотларини узоқ муддат сифатини бузмай сақлаш имконини беради.

2»

Оламга кўринди хирмонларимиз



Қадрли юртдошлар!

Азиз муштарийлар! «HURRIYAT» газетаси — маънавиятимизни янада бойитишда, ижтимоий фаоллигимизни оширишда, жамиятни демократлаштириш, халқимизнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш йўлида замондошларимиз ҳамжиҳатлик билан бажараётган хайрли ишларнинг фаол тарғиботчисидир. Маълумингизки, 2012 йил учун обуна давом эттирилмоқда. Сиз ҳам жамоатчиликдан четда қолманг. Обуна бўлинг!



«HURRIYAT» ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ

Эслатиб ўтамиз: «HURRIYAT»нинг нашр индекси — 233

Пахтанинг қачон, қаерда пайдо бўлгани ҳақидаги маълумотлар ҳар хил. Айрим тарихий манбаларда бир неча юз, балки минг йиллар нарисида иссиқ, қуруқ ва сувли жойларда, асосан Миссиянинг қуйилиш жойларида, Хитойнинг хайбатли дарёлари бўйларида, қадим Нил ёқларида, шунингдек, Ҳиндистоннинг Ганг, Ўзбекистоннинг Амударё ва Сирдарё дарёлари бўйларидаги ҳосилдор ерларда кўп йиллик ўсимлик сифатида мавжуд бўлгани айтилади. Ер юзининг бошқа жойларида гўзининг табиий равишда ўсиши кам учраши ва кейинчалик уни етиштириш маданийлаштирилгани қайд этилади. XVIII асрдан бошлаб эса дунёда саноат ривожлана бошлагач, уни маданий усулда экиб, йиғиб олиш амалга оширила бошланган.

Экспертларнинг фикрича, ҳозир айнан юқорида тилга олиб ўтилган минтақаларда — асосан АҚШ, Хитой, Ҳиндистон, Покистон ва Ўзбекистон каби давлатларда катта миқдорда пахта етиштирилади. Улардан фақат АҚШ билан Ўзбекистонгина ҳосилнинг мамлакат ички эҳтиёжидан ортиганини чет мамлакатларга сотади, ҳолос. Евроосиё минтақасида эса пахта

экспорти бўйича Ўзбекистон етакчилик қилади. Бунга азалдан мамлакатимиз ҳудудида етиштирилган пахта толасининг сифатлиги, пишшиқлиги сабаб бўлган бўлса, ажаб эмас. Маълумки, Буюк ипақ йўли орқали Шарқдан Фарбга, Фарбдан Шарққа қатнаган сон-саноксиз савдо қарвонлари айнан бизнинг юртимиздан ўтган. Улар асосан озиқ-овқат, кийим-кечак, қимматбаҳо мўйна ва ҳоказо халқ истеъмолчи учун зарур бўлган маҳсулотларни олиб ўтишган ва ўзлари билан бошқа мамлакатларга пахта, ип, газлама каби тўқимачилик маҳсулотларини, турли буюмларни сотиб олиб кетишган.

Шундай қилиб, бир неча минг йиллардан буён пахта дунё халқлари орасида асосий савдо-сотик манбаи ҳисобланган. Ҳозир ҳам унинг қиймати камайгани йўқ. Аксинча, замонавий технологияларнинг ниҳоятда ривожланиши, инсон

ақл-заковати маҳсули натижаси ўлароқ, пахтадан олинadиган истеъмол учун ниҳоятда зарур маҳсулотларнинг тури кўпаймоқда. Қундалик турмушимиз учун керакли бўлган ип-газлама, кийим-кечак, ёғ, совун, маргарин, глицерин, мойлаш маҳсулотларидан ташқари пахта чиқиндиларидан қоғоз, целлюлоза, қоғоз, картон, лак ва бошқа юзга яқин эҳтиёж моллари ишлаб чиқарилмоқда.

2»

ЭЗГУ ИШЛАРИМИЗНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ — ДОИМИЙ ВАЗИФАМИЗДИР

(Бошланғич 1-бетда.)

Бугунги кунда ушбу корхона худуддаги фермер хўжаликларида етиштирилган маҳсулотларни қабул қилиб олиш ва экспорт қилишда муҳим аҳамият касб этаётди.

Давлатимиз раҳбари корхона фаолияти билан танишиш асносида юртимизда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини мамлакатимизнинг ўзида қайта ишлашни янада кенгайтириш масаласига устувор вазифалардан бири сифатида қараш лозимлигини таъкидлади. Зеро, бундай маҳсулотларни қайта ишлаш ва хорижга экспорт қилиш деҳқонларимизнинг даромадини бир неча баробар ошириши, янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳолининг даромад манбаларини кўпайтириш, валюта тушумини ошириш имконини беради.

Шу боис хориждан энг замонавий технологияларни келтирилган ҳолда мева ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашга, қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги-янги корхоналарни ташкил этиш гоёт муҳим аҳамиятга эга.

Президентимиз Учқўприк туманидаги "Файз" фермер хўжалиги далаларида илгор фермерлар билан мулоқотда бўлди. Юртбошимиз фермерлар наинки иқтисодий, ижтимоий, балки сиёсий ҳаётимизнинг ҳам таянчига айланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимизда фермерлик ҳаракати бераётган юксак самаралар қишлоқ хўжалиги соҳасида қўлга киритилаётган янги-янги марраларда ўзининг яққол ифодасини топомқда. Бугунги кунда Фарғона вилоятидаги қарийб етти мингга яқин фермер хўжалиги пахтачилик ва галлачиликдан ташқари, боғдорчилик, чорвачилик, полиз экинлари етиштириш билан шуғулланмоқда. Улар қишлоққа саноатни олиб кириш, янги иш ўринлари ташкил этишда ҳам муҳим ўрин тутмоқда.

Айни кунларда фарғоналик пахтакорлар етиштирилган ҳосилни ўз вақтида йғиб-териб олиш чораларини кўрмоқдалар. Воҳиджон Мелиқўшиев раҳбарлигидаги "Файз" фермер хўжалигида ҳам жорий мавсумда галла ва пахтачиликда юқори натижаларга эришил-

ди. Хўжалик аъзолари 31 гектар ерга экилган гўзанинг "Султон" навидан 135 тонна ҳосил кўтариб, шартнома топширигини ошириб бажардилар. Олинган даромадга яраша хўжаликда меҳнат қилаётган ишчилар иш ҳақини кўпайтириш, уларни моддий қўллаб-қувватлаш, кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари фермер фаолияти фақат галла ёки пахта етиштириш билан чекланиб қолмаслиги кераклигини, улар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйиш, шу орқали қишлоққа саноатни олиб кириш ва пировардида аҳоли фаровонлигини оширишда, қишлоқ ҳаётини тубдан ўзгартиришда етакчи қўлга айланиши лозимлигини таъкидлади.

Ислом Каримов суҳбат чоғида гўзанинг вилоят тупроқ ва иқлим шароитига мос, тезпишар, сифатли тола берадиган янги навларини яратиш ва экиш масаласига алоҳида тўхтади. Қишлоқларимиз қиёфасини замонавий архитектура талабларига мувофиқ тубдан ўзгартириш, қишлоқ аҳолиси учун намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар юзасидан фермерларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.

Мазкур йўналишда олиб борилаётган эзгу ишлар пировардида одамларимизнинг дунёқарашини ўзгартираётгани, уларда яхши яшашга интилиш кучайиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Фарғона вилояти мамлакатимизнинг йирик саноат минтақаси ҳисобланади. Бугун бу ерда қўллаб йирик саноат корхоналари самарали фаолият кўрсатмоқда. Ўзининг иқтисодий салоҳияти, юқори сифатли маҳсулотлари, малакали кадрлари билан юксак нуфузга эга бундай корхоналар нафақат вилоят, балки мамлакатимиз иқтисодиётида ҳам муҳим ўрин тутди. Шунинг учун бундай ишлар чикариш мажмуаларини кўпайтириш, уларнинг самардорлигини ва қувватларини ошириш масаласи доимий эътиборда бўлиб келмоқда.

Мисол учун, вилоятда энгил саноатини янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган лойиҳалар бу ерда етиштирилган пах-

танинг катта қисмини қайта ишлаш имконини бермоқда.

Президентимиз Кўкон шаҳрида барпо этилган "Индорама Кўкон текстиль" масъулияти чекланган жамият шаклидаги Ўзбекистон — Сингапур қўшма корхонаси фаолияти билан танишди.

Умумий қиймати 43 миллион АҚШ долларидан ортик бўлган ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида Ўзбекистон толасидан халқаро стандартларга мос, сифатли йиғирилган ип ишлаб чиқарилмоқда. Швейцария ва Япониядан келтирилган замонавий технологиялар билан жиҳозланган мазкур корхонада бир йилда 9-10 минг тонна пахтани қайта ишлаш ва 7 минг тонна юқори сифатли йиғирилган ип тайёрлаш имконияти мавжуд. Корхона маҳсулотларига ташқи бозорда харидорлар кўпайиб бормоқда. Корхона маҳсулотлари Испания, Бельгия, Франция, Италия, Туркия, Бразилия, Аргентина, Перу, Венесуэла, Доминикан Республикаси ва Бангладеш каби мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Корхонадаги суҳбат чоғида хорижлик сармоядорлар ўзбек пахтаси аъло сифати, микронейр кўрсаткичлари юқорилиги, тозаллиги билан бутун дунёда машҳурлиги ва унга талаб катта эканлигини таъкидлади. Мамлакатимизда яратилган қўлай инвестиция муҳити натижасида хорижлик иш одамларининг Ўзбекистонга сармоя киритиб, ўз бизнесини йўлга қўйишда қизиқиши тобора ортаётганини қайд этдилар.

Ўзбекистондаги инсон ресурслари, айниқса, ўзбек ёшларининг юқори салоҳияти, замонавий билим ва хунарларни пухта эгаллагани, ҳар қандай юксак технологияли ишлаб чиқаришни тез ва мукамал ўзлаштириши хорижликларда катта ҳайрат ва ҳавас уйғотаётгани алоҳида таъкидланди. Ушбу замонавий корхонада меҳнат қилаётган 300 нафар кишининг аксарияти ёшлар экани ҳам бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Ислом Каримов бу ерда ишлаётган ёшларнинг меҳнат шариоитлари, уларга яратилган қўлайликлар билан танишди.

Давлатимиз раҳбари Кўкон шаҳрида амалга оширилаётган кенг қўламли қурилиш-бунёдкорлик ва



ободонлаштириш ишлари билан танишди.

Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган улкан яратувчанлик ишлари натижасида бу шаҳар тамомилга ўзгача қиёфа касб этаётди. Давлатимиз раҳбари 2009 йилда Кўконда бўлиб, шаҳар қиёфасини миллий ва замонавий архитектура анъаналаридан фойдаланган ҳолда ўзгартириш ва тақомиллаштириш юзасидан тавсиялар берган эди. Президентимизнинг Кўкон шаҳрининг архитектура қиёфаси ва инфратузилмасини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари, шаҳарни саноат жиҳатидан ривожлантириш ҳамда уни ободонлаштириш ва инфратузилмасини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирларга оид қарорлари бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу йўналишда амалга оширилган ишлар натижасида қисқа вақт ичида шаҳардаги кўрмисиз бинолар ўрнида замонавий ишоотлар қад ростлади. Хусусан, ўрда майдонда кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Ислом Каримов ўрда майдонда амалга оширилган ишларга юқори баҳо берди, бу маскан кўқонликлар ва меҳмонлар дам оладиган гўзал ва файзли гўшага айланганини таъкидлади. Шаҳарнинг ўзига хос тарихи ҳақида та-

саввур берувчи обидаларни асраб-авайлаш, унинг серкирра маданиятини намойиш этиш учун турли тарихий экспонатлардан фойдаланиш, шаҳар шариоитига мос дархат ва гуллар экиш юзасидан тавсиялар берди.

Президентимиз янги қиёфа касб этган Истиклол кўчаси, Жоме мейморий мажмуасида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан ҳам танишди. Кўқонликлар билан мулоқотда бўлди.

— Амалга оширилаётган бундай улкан бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳаларнинг барчаси ягона мақсадга — юртимиз, жумладан, Кўкон шаҳри иқтисодиётини янада юксалтириш, халқимиз ҳаётини бундан фаровон этишга қаратилган, — деди Ислом Каримов. — Фарғона аҳлининг, Кўкон аҳлининг бундай эзгу орзу-интилишлари, келажакка катта ишонч билан яшаётгани барчамизни хурсанд қилади. Бошлаган эзгу ишларимизни изчил давом эттириш доимий вазифамиздир.

Буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгагина қура олади. Президентимиз ташаббуси билан юртимизнинг барча худудларида барпо этилаётган таълим-тарбия масканлари, спорт саройлари, мусиқа мактаблари, ёшлар марказлари ана шундай соғлом авлодни камолга етказишга хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Кўконда янги бунёд этилган Болалар спорт мажмуаси билан танишуви ва ёш авлод вакиллари билан суҳбати чоғида бу масалаларга яна бир бор эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузурдаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблагига қурилган бу муҳташам саройда спортнинг 12 тури бўйича машғулотлар олиб бориш учун барча шариоитлар яратилган.

Ислом Каримов бундай замонавий спорт мажмуалари ёшларимизнинг ҳар жиҳатдан соғлом вояга етиши, уларнинг интилишларига қанот бағишлаши, фарзандларимизнинг ҳеч қандай кам бўлмаган камол топиши учун яратилаётган кенг имконият ва шариоитларнинг яққол намоени эканини таъкидлади.

Президентимиз Фарғона вилояти фаоллари билан учрашди. Вилоятни ҳар томонлама тараққий эттириш, Фарғона ва Кўкон шаҳарлари инфратузилмасини, транспорт-коммуникация тизимларини тақомиллаштириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ва бу борадаги устувор вазифалар атрофида муҳокама қилинди.

Олим ТУРАКУЛОВ,
Маъсуд СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари

Оламга кўринди хирмонларимиз

(Бошланғич 1-бетда.)

Туман олганда, олимларнинг таъкидлашича, пахтадан қарийб 1200 хил маҳсулот олиш мумкин экан. Шу боис, бугунги кунда жаҳонда унга бўлган эътиёж тобора ортиб бормоқда.

Пахта нефть, газ, қора ва рангли рудага ўхшаган қазилма бойликлардан шуниси билан фарқ қиладики, уни чегараланмаган миқдорда, табиий равишда истаганча экиш ва кўпайтириш мумкин. У инсон меҳнати, ақл-заковати билан ундириладиган тугамас, битмас бойликдир. Формуласи — иқлим+ер+сув+меҳнатдан иборат.

Дунё таърибаси пахта майдонларини кўпайтириш ҳисобига эмас, балки ернинг ҳосилдорлигини ошириш эвазига мўл ҳосил олиш фойдалирок эканини кўрсатмоқда.

Ҳар йили эрта баҳорда минглаб гектар майдонларга чигит қадалади. Уни моҳир зироатчилар санъаткорона амалга оширади. Боладай парваришлайди. Соҳа мутахассисларининг гувоҳлик беришича, айни пайтда пахта етиштириладиган бошқа мам-

лакатларда унинг энг хари-дориги нави ўртача 150-160 кун давомида пишиб етилар экан. Ўзбекистонда эса бу давр узоғи билан 110-125 кундан иборат. Демак, ўлка-миздаги табиий шарт-шариоит, деҳқончилик малакасининг юқорилиги шундай имкониятни туғдиради. Бу ҳам пахтакорларимизнинг жаҳон бозорига эртароқ киришлари, ҳамкорлар орттириши учун қўлай имкониятдир.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, тўқимачилик саноатининг энг муҳим манбаи ҳисобланган пахта хомашёсини жаҳон бозорига сотиш борасида нафақат Марказий Осиёда, балки дунё миқёсида ҳам рақобатга бардошли давлатлар қаторидан ўрин ола бошлади.

Юртимизда пахтачилик соҳасида чинакам мулк эгалари — фермер хўжаликлари фаолиятининг қарор топиши, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очилиши соҳанинг ривожланишида муҳим омили бўлмоқда.

Кейинги йилларда соҳада кенг қўламли модернизациялаш ва технологик жиҳозлаш тадбирлари амалга оширилгани туфайли пахта тозалаш



корхоналарида иқтисодий тежамкорликка эришилди, пресслаш агрегатлари ва хомашёни тозалаш ускуналари, замон талабларига мос равишда янгиланди. Мамлакат энгил саноати тизими такомиллашди.

Эндиликда пахтани хорижий мамлакатларга хомашё сифатида сотишдан кўра, уни мамлакатнинг ўзида қайта ишлашни ташкил этишга катта эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида республикаимизда ишлаб чиқарилаётган пахта, ип, газлама кийим-кечак каби тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилиш қўламини ошириш ва кенгайтириш мақсадида 2005 йилда биринчи Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси ташкил этилган эди. Бу тадбир Ўзбекистоннинг жаҳон бозори сари кўйган

яна бир дадил қадами бўлди. Республикаимиздаги ип йиғирув, тўқимачилик ва кийим-кечак тиқиш корхоналари, ёғма ширкати ва тадбиркорлик субъектлари, қўшма корхоналар кўринишида босқичма-босқич ўз фаолиятини йўлга қўйиши бугунги кунда халқимиз манфаатига бевосита хизмат қилаётгани билан бир қаторда халқаро миқёсда ҳам мазкур соҳанинг обрў-эътибори ошаётганидан далолатдир.

Ҳозир мамлакатимизда пахта хомашёсидан ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган ўнлаб саноат корхоналари ишлаб турибди. Биргина Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидаги "Spentex", Бўстонлик туманидаги "Осборн текстиль", Чирчиқ шаҳридаги "Бурсель-Тошкент" қўшма корхоналари, Чиноз

туманидаги "Chinoz textil", Янгийўл туманидаги "Plasteks" масъулияти чекланган жамиятлари фаолиятини мисол тариқасида келтириб ўтиш мумкин.

Ишлаб чиқариш мукамал йўлга қўйилган "UZTEX" тўқимачилик комплекси таркибида бир неча корхоналар муҳассамлашган. Пойтахтнинг Сергели туманида жойлашган "UZTEX-Tashkent" йиғирув фабрикаси йилга 6,5 минг тонна юқори сифатли ип ишлаб чиқариши имкониятига эга. Корхона ўз маҳсулотининг аъло сифатини тасдиқловчи ягона "Usterized" сертификатига эга. Швейцариянинг "Uster Technologies" компанияси корхона маҳсулоти сифатига ана шундай юқори баҳо берган.

Ўтган йили "UZTEX-Tashkent" йиғирув фабрикаси Халқаро пахта ярмаркасида биринчи марта иштирок этган

бўлишига қарамасдан, ўз харидорлари эътиборини торта олган эди. Бу йил ҳам унинг ҳамкорлари сафи янада ортиши кутилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, VII Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасини ташкил этиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, унинг бир қатор таркибий тузилмалари, "Ўзмарказимпекс", "Ўзинтеримпекс", "Ўзсаноатмашимпекс" давлат ташқи савдо акциядорлик корхоналарида ишлаб чиқарилган, бежиримлиги ва сифатига кўра хорижда ишлаб чиқарилганидан кам бўлмаган ранг-баранг ип, газлама ва бошқа трикотаж маҳсулотлари намойиш этилди.

Шубҳасиз, жаҳон пахта бозорига кескин рақобат мавжуд. Шундай экан, унда ўз ўрнини топиш, ҳар қандай рақобатга бардошли бўлиш, маркетинг хизматини туғри ва оқилона ташкил этиш улкан муваффақиятлар омили ҳисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда етиштирилаётган пахтадан олинаётган сифатли тола, ип, газлама ва бошқа энгил саноат маҳсулотларининг барча қўрсаткичлари жаҳон стандартлари талабига жавоб бераётгани билан аҳамиятлидир. Бошқа маҳсулотлар қатори мамлакатдан экспорт қилинаётган пахта ва пахта маҳсулотлари миқдорининг тобора ошиши, харидорлари эришилган барча муваффақиятлар пировард натижада эл-юрт дастурхонининг янада фаровонлашувиغا хизмат қилади, албатта.


ЎКТАМ МИРЗАЁРОВ

«Қуёш» қағи қалди қуёш одамлар

Паркент тоғларининг ферузаранг жилоси, танга хуш ёқувчи майин ҳавосию зилол сувлари кўпчиликни бу гўша томон талпинтиради. У ерга бир марта ташриф буюриб, хордиқ чиқарган, содда, самимий ва меҳнатқаш одамлари билан ҳамсуҳбат бўлган киши, албатта, уни яна қўмсайдди.

Тумандаги Ҳисорак қишлоғи нафақат азим вилоятнинг, балки мамлакатимизнинг энг гўзал масканларидан бири. Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига қарашли «Қуёш» мажмуаси жойлашган бўлиб, қишлоқ таркибидagi тўртта маҳалланинг бири худди шундай номланади. Маҳалланинг турли миллат вакиллари билан 2218 нафар аҳолиси ўзбекна лутфу карам, кўни-қўшничилик, меҳр-муруват каби эзгу аъёнлар асосида тинч-тотув умргузаронлик қилишмоқда. Бетақорр табиати худдининг биллурдай соф ҳавосидан баҳраманд бўлмоқ учун сайрга чқангиз, бири биридан кўркам ҳовли-жойлар, обод ва шинам кўчалар, енгил шабадада чайқалиб рақс тушаётган ям-яшил даракларни кўриб кўнглингиз кўтарилсади, меҳнатқаш ва ораста элига меҳрингиз тушади. Ай-

ниқса, улкан тошлар узра остма-уст жойлашган ўн тўртта кўп қаватли уй эътиборингизни тортади. 348 та хонадондан иборат уйларнинг ён-атрофлари, йўлақлар тоза, озода. Бир текисда саф тортган арча, тераклар, йўлақлар қаршида қийғос очилган атиргуллар уйбошилариининг ўз ишларини яхши йўлга қўйганидан далолат беради. — Кўп қаватли уйларимизнинг ҳаммаси, кўриб турганингиздек, бири биридан намунали, — дейди ҳамроҳимиз, маҳалла раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Олима Шерматова. — Айниқса, 4- ва 11-уйларда йўлга қўйилган тартиб-интизом, кўни-қўшнларнинг ўзаро самимий муносабатидан ибрат олса арзийди. Кўп қаватли тўртинчи уйда рус, татар, қирғиз, қозоқ, уйғур миллатларига мансуб кишилар аҳилликда истиқомат қилишади. Уйбоши Себия Усеинова хонадон соҳибларининг феъл-атворларини, оилавий шароитларини яхши билгани боис, ҳар бирининг қалбига йўл топа олади. Уларнинг ободончилиги, кўкаламзорлаштириш каби эзгу ишларга бошлайди. Бу ерда вояга етган ёш ўғил-қизларнинг тарбиясида ҳам ҳеч ким бефарволикка йўл қўймайди. — Бир эшикдан кириб чиққан одамлар бир оила аъзолари ҳисобланади. Демак, биз ҳам катта оиламиз. Яхши-ёмон кунларда елкадош



бўлиш, фарзандлар тарбиясида сусткашликка йўл қўймаслик энг асосий вазифаларимиздан, — дейди Себия опа. Шу пайт бир аёл ўспирин қизи билан оғир сумкаларни кўтарганча келиб қолди. Афтидан, улар бозордан қайтишарди. «Буниси Ҳалима аянинг бозорлиги. Олиб чиққин-да, бира тўла хоналарини ҳам тозалаб бер», — деди аёл қизига. Қизалоқ: «Хўп бўлади, ойижон!», деган-

ча учинчи қаватга физиллаб чиқиб кетди.

Ҳалима ая Даминова, Мамлакат ая Мирзақуловлар шу уйда яшайдиган ёлғиз қариялар. Аммо уларни асло ёлғиз деб бўлмайдди. Чунки онахонларнинг эшигидан кўни-қўшнлар, маҳалладошлар аримайди. Айниқса, уйда тансиқроқ таом пиширидан кўни-қўшни борки, албатта, ундан нуронийларга илинади.

— Инсоннинг бир коса овқат билан қорни тўяди, аммо меҳрдан тўйган одам топилмас керак, — дейди Ҳалима ая. — Қарангки, жигарларимни йўқотган бўлсам-да, кўнглимга энг яқин одамларни қайтадан топгандекман. Уларнинг самимияти, меҳроқибати туфайли айрилиқ азобларига бардош бердим. Баъзан арзимаган сабаблар туфайли тушқунликка тушган одамларни кўриб, тўғриси, ҳайрон қоламан. Ахир сени қадрлаб, қийинчиликларингга елка тутиб турган, фақат яхшилик соғиниб яшайдиган инсонлар орасида хафагарчиликка ўрин қоладими?!

Ҳа, тинчлик ва фаровонлик, бахт, меҳр-оқибат ҳукм сурган жойдагина хурсандчилик бўлади. Қалби бежавотир инсонларгина тотув, аҳил бўлади. «Сал кўрмаса, қуёш соғинадиган» маскан «Қуёш» маҳалласи аҳлининг қалб ҳарорати ҳам асл офтоб тафтидан қолишмайди.

Юлдуз ХОЖИЕВА

Қора олтин «шайдо»лари

Республикамиз божхоначилари томонидан нефть ва ёнилғи-мойлаш маҳсулотларининг ноқонуний олиб ўтилишига қарши қатор чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Натижада жорий йилнинг ўтган 8 ойи давомида божхона ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 395 та қонунбузарлик ҳолатларида қиймати 214 миллион сўмлик 154 минг литрга яқин нефть маҳсулотларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Фарғона туманининг чегарадош худудидида жойлашган айланма йўлда ҳаракатланаётган «Ваз-2101» машинаси ҳайдовчиси божхона ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари кўриб қолган, машинани ташлаб воқеа жойидан «қуён» бўлади. Амалдаги тартибларга мувофиқ ҳолислар иштирокида машина кўздан кечирилганда эса ундаги 30 дона 20 литр сифимли елим идишларда жами 600 литр керосин маҳсулотни кўни давлатга олиб чиқиш учун режалаштирилгани аён бўлди.

Юк машинасида «Айритом» божхона комплекси орқали Афғонистонга чиқиб кетаётган туркиялик А.Рамазан ҳам автомашинанинг қўшимча идишида қиймати салкам 1,8 миллион сўмлик 700 литр дизель ёнилғисини сурхондарёлик божхона ходимларидан бериктириш ҳолда олиб ўтишни кўзлаган пайтда сирини очилиб қолди.

Қашқадарё вилояти божхона бошқармаси ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда Чироқчи туманида фуқаро М.Хаитовнинг ҳовлиси амалдаги тартибларга мувофиқ кўздан кечирилганда ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган 72 дона 20 литр сифимдаги елим идишларга солинган салкам 1,5 тонна дизель ёнилғисини ноқонуний равишда сақланаётгани аниқланди.

Бекобод туманининг Тожикистонга туташ худудларида ҳам 2 та қонунбузарлик ҳолати содир этилди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари кўриб қолган, жуфтаникни содирлаган қонунбузарлар 2,2 тонна бензин ва 1,2 тонна дизелнинг баҳридан ўтишга мажбур бўлишди.

Ҳозир мазкур ҳолатлар юзасидан божхона суриштирувлари давом эттирилмоқда.

Видеоқароқчилар

«Санъат» ва «саноат» тушунчалари уйғунлашиб бораётган бугунги кунда деярли ҳар кунни бирон янги фильм тақдироти, концертлар афишасига кўзимиз тўшади. Гарчи уларнинг барчасига бора олмадик-да, экран орқали кўриш имкони борлигиндан хотиржам бўламиз. Эндигина тандирдан узилган нондек бундай санъат намуналарининг ўта қисқа муддатларда электрон нуқсаларда ёйилишини эса ривожланиётган ақлдор, технологияларга йўйиб қўя қоламиз! Аслида-чи?

Мўмай даромад илҳида турли фильмлар, концертлар, клиплар ва бошқа материалларни яширин равишда кўпайтириб пуллаётган ва божхона сарҳадлари орқали олиб ўтишга уринаётган «тадбиркор»лар муаллифларнинг ҳуқуқларини кўпол равишда бузиб, уларга жиддий зарар етказишаётгани ёки хорининг ур-йикит, шовқин-суронли ва беҳаё фильмларини тарқатиш орқали ёшларимиз маънавиятига жиддий пуғур етказиш мумкинлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўришмайди. Ана шундай кимсалар Қашқадарё вилояти божхоначилари ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари ҳамкорлигида ўтказилган тезкор тадбирлар чоғида фоз этилди. Қарши шавҳида лицензиясиз, турли мазмундаги 1222 дона DVD ва CD дискларни ноқонуний кўпайтириб сотаётган Ж.Ашуров, Б.Толипов, Д.Азимов, Р.Курганбаев ва Х.Эшқуловларнинг қилмишига чек қўйилди.

Сурхондарё вилоятида ҳам йирик микдордаги дискларнинг ноқонуний олиб ўтилишининг олди олинди. Юртимиз орқали транзит тарзида ўтаётган юк поезди божхона кўригидан ўтказилганида вагонлардан бирида юккузатув ҳужжатларида қайд этилмаган 19 минг дондан ортиқ дисклар борлиги аниқланди. Болалар руҳиятига салбий таъсир этувчи турли ўйинлар ёзилган мазкур дискларнинг умумий қиймати 57 миллион сўмдан ошар экан. Ҳозир юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона суриштирувлари давом эттирилмоқда.

Хусен ТАНГРИЕВ,
Давлат божхона қўмитаси
матбуот хизмати инспектори

Тадбиркорлик

Ҳаракатда ҳикмат кўп

Товуқни етти хазинанинг бири сифатида таърифлашади. Дарҳақиқат, хонадонда тухум, парранда гўшти мўл бўлишига нима етсин. Қолаверса, унинг гўшти парҳез маҳсулот сифатида севиб истеъмол қилинади. Тухуми эса тўйимли емак бўлиши билан бирга ундан турли пиширилари тайёрлашда ҳам кенг фойдаланиш мумкин. Шунинг учун паррандачилик маҳсулотларига доим талаб катта.



Ота-боболаримиз ҳам азал-азалдан паррандачилик билан шуғулланиб, бу борада катта тажриба тўплашган. Бугун эса юртимизда ишнинг кўзини билладиган тадбиркорларимиз аждодларимизнинг бой тажрибаси асосида соҳани ривожлантириш учун жиддий ҳаракат қилишмоқда.

Бизнинг «Хонқа-паррандачилик» масъулияти чекланган жамияти ташкил этилганига унча кўп бўлмади. Бундан уч йил муқаддам Россиянинг «Птичное» наслчилик заводидан 40 мингта, Самарқанд вилоятидаги «Оғалик-Ломанн парранда» корхонасидан эса 47 мингта бир кунлик жўжалар келтирилган, ўз фаолияти

тини бошлаган эди. Айни пайтда 42 нафар ишчи-ҳодимнинг баракали меҳнатлари туфайли кўрсаткичларимиз кундан-кунга яхшиланиб бормоқда. Натижада эл дастурхонига арзон тухум ва сифатли парранда гўшти етказиб бераёпмиз.

Маълумки, ҳар бир ишни бошлаш, уни ривожлантириш учун замонавий технология мумим аҳамият касб этади. Корхонамиз ўз фаолиятини бошлаган кезларда битта жўжа ва учта товук боқиш линиялари харид қилинганди. Ҳозир улар тўла қувват билан ишлаяпти. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олишни калмайтириш, омухта ем базасини бойитиш учун деярли ташландик бўлган жой ўзлаштирилиб, озқабоб экин

ва дон маҳсулотлари етиштириш йўлга қўйилди. Шунингдек, салкам бир гектар ерда ташкил этилган богда турли манзарали ва мевали дараклар кўкка буй чўзиб турибди.

Шу кунларда корхонамизда амалга оширилаётган ишларнинг кўлами ва самарадорлигини ошириш, янада юккак марраларга эришиш мақсадида янги режалар ишлаб чиқилган. Жумладан, жорий йилда аҳолига 30 миллион дона тухум, 100000 дона товук гўшти етказиб беришни мўлжаллаёпмиз. Биз бу ишлар билан тўхтаб қолмаймиз, албатта. Мақсадимиз корхонамизда иш жараёнини янада кенгайтириб, янги иш ўринларини ташкил этиш, эл дастурхонининг тўкин-сочин бўлишига ўз ҳиссамизни қўшишдан иборат.

Рўзибой БЕКМЕТОВ,
«Хонқа-паррандачилик»
МЧЖ директори

«TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI» масъулияти чекланган жамияти

2011 йил 15 ноябрь куни ОАЖ аукцион савдоларини ўтказди

Савдоларга Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Паркент кўчаси, 323-уй Ўзбекистон Республикаси Мулоффа вазирилик савдо бошқармаси автокорхонасининг 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10ТQ711, бошланғич нархи 7600000 сўм бўлган «МАЗ-5337»; 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10ТQ759, бошланғич нархи 1100000 сўм бўлган «2-ПП-14» русумли ярим тиркама;

Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 95-уйда жойлашган Суд департаментининг Тошкент шаҳар худудий бошқармаси балансидаги 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/899НАА, бошланғич нархи 20705000 сўм бўлган «Опель Омега»; 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10ВВ633, бошланғич нархи 11902000 сўм бўлган «ВАЗ-3303-02024»; 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АУ701, бошланғич нархи 6717000 сўм бўлган «Нексия»; 2003 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АУ066, бошланғич нархи 4132000 сўм бўлган «ВАЗ-2115-119»;

Мирзо Улугбек тумани, Темур Малик кўчаси, 1-уйда жойлашган Суд департаментининг Тошкент вилоят худудий бошқармаси балансидаги 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01645ЕВА, бошланғич нархи 10398556 сўм бўлган «ГАЗ-3307»; 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10ВВ624, бошланғич нархи 1404296 сўм бўлган «ВАЗ-21053»; 2000 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 018220АА, бошланғич нархи 5388773 сўм бўлган «Тико»; 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АЛ455, бошланғич нархи 6048623 сўм бўлган «Эсперо»; 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01554ЈВА, бошланғич нархи 7581928 сўм бўлган «Вольво»; 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АР703, бошланғич нархи 1043352 сўм;

1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11АЈ222, бошланғич нархи 1886494 сўм; 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АД120, бошланғич нархи 1572078 сўм бўлган 3 та «ГАЗ-31029»; 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01552ЈВА, бошланғич нархи 5053209 сўм; 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11АА472, бошланғич нархи 4475699 сўм; 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10ВВ218, бошланғич нархи 5214505 сўм; 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АР655, бошланғич нархи 4903191 сўм бўлган 4 та «Дамас»; 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АР481, бошланғич нархи 8797997 сўм; 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АЛ858, бошланғич нархи 8171986 сўм; 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АЈ770, бошланғич нархи 4388170 сўм; 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10ВВ252, бошланғич нархи 9469126 сўм; 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 11АЈ011, бошланғич нархи 5729716 сўм бўлган 5 та «Нексия»;

Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Юнусобод қишлоқ кенгаши, Дархон қишлоғида жойлашган «Давлат Белгиси» Давлат ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент қозғоз фабрикаси балансидаги 1978 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АВ129, бошланғич нархи 4025700 сўм бўлган «Икарус-255»; 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АВ130, бошланғич нархи 3073800 сўм бўлган «Кубань»; 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АВ139, бошланғич нархи 9016350

сўм бўлган «ПАЗ-3205»; 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/510НВА, бошланғич нархи 3171275 сўм бўлган «ГАЗ-3110»; 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/466 НВА, бошланғич нархи 5880630 сўм бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситалари қўйилди.

Аукцион савдолари соат 10-00да бошланади. Буюртма қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18-00да тўхтатилади.

Савдода қатнашиш учун бошланғич нархнинг қалмида 20 фоизи миқдорда закат пули «TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI» МЧЖнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302088054, 20208000104932833002 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо голибига савдо кунидан бошлаб Ингирма кун мулдат ичиди олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқоридида белгиланган савдо кунидида сотилмаган тақдирда, навабтадиги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказилган савдоларга қўйилади.

Аризалар аукцион ўтказиладиган кўнидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 7-уй. Алоқа телефони 388-69-96, электрон почта tkos-mail@inbox.ru

«TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI» масъулияти чекланган жамиятининг жойлашган манзили ўзгарганлиги муносабати билан газетанинг 2011 йил 21 сентябрдаги 40-сониди кўрсатилган 2011 йил 21 октябрь кунига белгиланган аукцион савдоларига аризалар қабул қилиш ва аукцион ўтказиш қўйидаги манзилга кўчирилганлигини маълум қиламиз: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 7-уй.

Тилга эътибор — элга эътибор

Ўйнаб гапирсанг ҳам йлаб ёз

Ўзбек тилининг давлат тили мақомига кўтарилиши она тилимизнинг ижтимоий ҳаётдаги кўлланиш доирасини кескин даражада кенгайтди: маҳалладан тортиб Олий Мажлис йиғилишларигача давлат тилида ўтказиладиган бўлди. Радиоэшиттиришлар, телекўрсатувларнинг деярли ҳаммаси давлат тилида олиб борилмоқда, газета ва журналларнинг аксарияти ўзбек тилида чоп этилаётир. Энг муҳими, давлат тили ҳақидаги қонун бизга ўз-ўзининг тўла аниқлигини берди. Айни пайтда у бизнинг зиммасига катта масъулият юклаганини ҳам таъкидлаш ўринли. Энди мазкур қонун ижросини таъминлаш ҳар бир онгли фуқароннинг муқаддас бурчи бўлиб қолиши керак.



Пойтахтимиз, вилоятлар марказларининг кўча ва майдонларидаги ёзувларга ҳеч эътибор берганмисиз? Кўча номида ҳам, йўл кўрсаткичларида ҳам, реклама матнларида ҳам ҳамон имловий хатолар учраб туради. Одамларнинг бундай ҳолатларга кўникиб қолиши ёмон. Гап шундаки, бу уларнинг саводхонлик даражасига пугур етказилади. Усиб келадиган ёш авлод "Шу тўғри ёзилгани учун осиб қўйишди" деб ўйлаши ёки "Хато ёзма ҳам бўлавераркан-да" деб тушуниши мумкинлиги ҳадеганда эътибордан четда қолаётгандай.

Куйидаги мисоллар орқали фикримни тасдиқласам. Пойтахтимиз кўчаларида аҳолига беминнат хизмат қиладиган автобусларда она тилимизда, чиройли тарзда ёзиб қўйилган манзил номларини кўрганда ҳар қандай кишининг баҳри дили очилади, кўзи қувнади. Аммо йўналиш таскиллардаги манзилни кўрсатувчи тахтачалардаги имловий хатолар, чала-чулпа битилган жумлалар одамнинг дилини ғаш қиладди: **Кара-Су, Налоговая, Котельная, Зоопарк, инст. Связи, Универсам, Юнус-Абад**. Бу — биргина 192-йўналиш таскиларидаги ахвол... Дарвоқе, мазкур турдаги уловларда бир битикни кўриб, нима дейишни ҳам билмай қолдим: **Лицензиясиз йўловчиларни ташиш қонунга хилоф**. Айни шу жумлалар рус тилида ҳам такрорланади: **перевозка пассажиров без лицензии незаконна**. Назаримда, ушбу матн аслида русча тайёрланган, чунки рус тилидаги матн ҳам грамматик, ҳам мантқ жihatидан тўғри тузилган: "без лицензии" жумласи "перевозка" сўзи билан боғланади. Қан-

дайдири чаласавод таржимон ўзбекчага ўғришда кулгили ҳолатни келтириб чиқарган: **"лицензиясиз йўловчилар"**. Аслида лицензия — рухсатнома ҳайдовчиларга берилади. Демак, унинг йўловчиларга ҳеч қандай дахли йўқ.

Бир неча йиллар Ўзбекистон телевидениесининг "Алифбо сабоқлари" курсатуви бошловчиси сифатида ўзим ҳам иштирок этганим боис радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар учун сарфланадиган меҳнатни, бу жараённинг азобларини бошдан кечирганман. Аммо ҳозир айрим эшиттириш ва кўрсатувларда муҳбир ёки бошловчиларнинг сўзга эътиборсизлигини кўриб ҳайратга тушаман. Аникроги, суҳбатдош ёки интервью берувчиларнинг нутқида жуда кўпол хатолар, яъни адабий меъёрлардан чекиниш, шева унсуруларини ўринсиз қўллаш, русча сўзларни пала-партиш ишлатиш ҳоллари кўп учрайди. Эҳтимол, суҳбатдош буларга бефарқ бўлиши ёки масаланинг асл моҳиятини англаб етмаслиги мумкин. Бироқ муҳаррир унга айти шу ҳолатни тушунтириши, у қўллаган русча ёки шева сўзининг ўзбекча муқобилини айтиши ва қайтадан ёзиб олиши жоиз эмасми? Шу сабабли бош муҳаррирлар ва синчков назоратчиларнинг нигоҳи юқоридаги нуқсонларга қаратилса, айти мудоао бўлур эди.

Назаримда, тил тўғрисидаги қонун талабларини тўлиқ баҳариш учун, аввало, ҳокимликлар ҳузурда фаолият кўрсатадиган атамалар комиссиялари ишини жонлантириш зарур. Ҳар бир номнинг ёзилиши ва тўғри қўлланиши мутасадди шахслар, тилшуносларнинг назоратида бўлиши ҳам мақсадга мувофиқдир. Инчунун, она тилимизнинг келажаги ҳақида қайғуриш элим деб, юртим деб ёниб яшаётган ҳар бир юртдошимизнинг қалб амрига айланиши лозим.

Равшан ЖОМОНОВ,
Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтининг "Ўзбек ва жаҳон филологияси" кафедраси мудири, доцент

Самара

Сирдарё вилоят хотин-қизлар кўмитасининг нашри — "Ойдин йўл" газетаси 1997 йилдан бери нашр этиб келинмоқда. Вилоят янгиликлари, фаол аёллар ҳаётидан лавҳалар, ижодкор аёллар қаламига мансуб шеър ва хикоялар, шунингдек, аёллар учун фойдали маслаҳатлар, шифокорлар ҳамда ҳуқуқшуносларнинг чиқишлари мунтазам чоп этиб келинаётган газета кейинги йилларда бирмунча оқсаб, тиражи камайган, унга муштариёлар орасида қизиқиш ҳам сўниб қолгандек эди. Боз устига, нашрнинг босмаҳона солиқ ва нафақа жамғармаларидан каттагина қарздорлиги юзага келиб, йилига атиги 5-6 марта босилаётганди.

«ОЙДИН ЙЎЛ»ГА ЧИҚДИК

2010 йил обун мавсумидан сўнг газетанинг доимий чиқиши йўлга қўйилди, тахририятнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чоралари кўрилди. Жумладан, Парламент ҳузурдаги нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш фонди томонидан эълон қилинган танловнинг вилоятдаги хотин-қизларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш номинациясида ўз омадимизни синаб кўришга қарор қилдик. Жойларда ҳуқуқшунослар билан учрашувлар ташкил қилиш, газета саҳифаларида "Ҳуқуқшунос минбари" рўқни остида ҳуқуқий мақолаларни бериб бериш, газетамиз савиясини ошириши шубҳасиз эди.

Ўтган йилнинг сентябрь ойида жамоат фондидан кўнғироқ қилишиб, бизнинг лойиҳамизга грантга сазовор бўлганини айтишди. Қувонарлиси, вилоятимиздан иккита — "Ойдин йўл" ва "Давр ёшлари" газеталари шундай бахтга сазовор бўлишган эди. 25 январь куни Тошкент шаҳрида грант топширишга бағишланган тантанали маросимда иштирок этдик ва ҳукуматимизнинг нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлашга ниҳоятда катта эътибор бераётганига ўзимиз мисолимизда амин бўлдик.

10 миллион сўм миқдоридagi грант моддий жиҳатдан қийнаётган тахририятимизга катта молиявий туҳфа бўлди, десам янглишмайман. Йил бошидан 2000 нусхада чоп этиб келинаётган газетанинг эндиликда А3 форматда, 8 саҳифали, ранг-баранг маълумотларга бой бўлиб чиқаётгани газетхонлар сонининг ошишига олиб келди. Буни тахририятга келаётган мактублардан ҳам билса бўлади.

Саҳифаларимиздан муқим ўрин олган «Ҳуқуқий дарсхона» рўқни остида берилаётган материаллар аёлларимиз ўз ҳақ-ҳуқуқлари билан танишсалар, "Аёл жиноятга қўл урди" рўқнида жиноят ботқоғига ботиб қолган, аёллик ва оналик номига доғ туширишга баъзи кимсаларнинг қилмишлари ҳамда ҳар қандай жиноятга жазо муқаррар эканидан бохабар бўлмоқдалар. Лойиҳага кўра ҳар ойда бир марта ҳуқуқшуносларнинг аёллар билан учрашувлар ўтказиб турибмиз. Бунда шахар ва туман ФХД бўлимлари, вилоят прокуратураси ҳамда вилоят судлари ходимлари бизга яқиндан ёрдам берапти. Айниқса, вилоят Никоҳ саройи мудариси Гулҳаё Расуллова ва вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи Насиба Бегимова ҳамкорлигида аёллар билан ўтказиладиган учрашувлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирмоқда. Бу ҳам аёлларимизнинг ҳаётда ўз ўринларини топишга бўлган интилишларини кучайтиришга хизмат қилаяпти.

Вилоят хотин-қизлар кўмитаси билан газетамизда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилда ўз ишини бошлаган, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси кўмағида кредит олган аёллар ҳақида хабар ва мақолалар ҳам доимий бериб борилапти. Ховос, Боёвут ва Сардоба туманларидан хотин-қизлар ўзлари ёзган шеърлар, ҳамқишлоқлари, ҳамкасблари ҳақидаги лавҳалар билан газета саҳифаларида иштирок этишмоқда. «Фаол аёлларимиз ҳақида хикоялар» рўқнида ҳаётда ва оилада ўз ўрнини топган, бошқаларга ўрнак бўларли турмуш кечириётган, эл қорига ярайдиган фарзандлар тарбиялаган аёллар тарғиб қилинмоқда. Қувонарлиси, муштариёларимизнинг газета тахририятини излаб келишлари кескин кўпайди. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, йил бошидан буён вилоятда истиқомат қиладиган 1000 нафар кам таъминланган оила аёллари грант ҳисобидан газета билан бепул таъминланяпти.

Зобо ХАЙДАРОВА,
"Ойдин йўл" газетаси бош муҳаррири

Хотира — азиз

Ўзига ўхшаган одам

Тақдир тақозоси билан тоғдаги кишлоқимиз Касби туманига кўчириб келтирилган, туман газетасига қатнай бошладим. Очиги, ўзимча журналистларни фавқуллода юксак мақомда тасаввур қилар, назаримда, улар урдадай олмайдиган иш, билмаган сир, ҳал қила олмайдиган муаммо йўқдек туюлар, ташрифларим асосида ҳам бу даргоҳдаги инсонларга бағоят қамоли ҳурмат ва улкан қизиқиш билан муносабатда бўлар эдим.



Биринчи марта борганимда адабий ходим Жўра Йўлбарсов билан танишиб, анча гурунглашдик. Икки томоннинг ҳам бир-бирига берадиган саволлари кўп эди: журналист туманда янги, энди кўчириб келтирилган кишлоқ билан обдон қизиқса, хаваскор муҳбирнинг дилида гўжгон уйнаган иштиёқлар тўлкини жиндай илтифот эътиборга орзуманд эди. Маданиятчи зиёлининг хуш муомаласи ана шундай эътироф бўлиб туюлгандай ўшанда. Кейинчалик муҳаррир Мавлон Бобожонов, ўринбосар Жўра Юсупов, ходимлар Карим Пардаев, Эргаш Мусоев билан ҳам қадрдонлашиб кетдим, Яккабоғ туман газетасига қатнай юриб орттирган тажрибам қўл келдики, фаол жамоатчи муҳбирлардан бирига айландим.

Туман газетаси — нуфузли маънавият маскани, ходимининг мавқеи эса баланд эди. Ана шундай муҳит иштиёқман-хаваскорларга ҳам дастлабки сабоқларни сингдирар, ҳавойи хаёллarga тўзим бериб, унча-бунча романтик парвозлардан ерга тушириб қўярди. Шу тахлитдаги маънавий муҳитда, аниқроғи, қалам-кашлар ўртасида Мусо Каромовнинг ўзгача салобати, ўрни бор эди. У ҳақида гап кетганда, жиддий тортиб, таниш эканликларидан, бир жойда яшашларидан ички фахр бўртиб, шу билан бирга гойибона ҳурмат билан сўз юри-

тишарди. Ўшанда Мусо Каромов ҳозирги "Ўзбекистон овози"нинг вилоятдаги муҳбири бўлиб ишларди. Орадан йиллар ўтиб, вилоят газетаси — "Кашқадарё ҳақиқати"да хизматимни давом эттирдим. Қарангки, Мусо аканинг иш кабинети ҳам шу бинода, энди тез-тез дуч келиб қоладиган бўлдик. Баланд бўйли, тик қомадли, ҳали сочига оқ ораламаган, нурили сиймоси билан кишига кулимсираб қараб турувчи бу одам ҳар куни эрталаб қўлидаги газеталар, яна бошқа қоғозларни бағрига маҳкам босганича ваэмин қадамлар билан иккинчи қаватдаги хонасига кириб кетарди. Икки-уч йил ишлаб, газета саҳифаларида ул-бул нарсаларим қичқач, Мусо ака узокдан саломлашадиган, "Ёзганларингизни ўқияман" дегандек, бошини мамнун кимирлатиб қўядиган бўлди.

Албатта, ҳар бир кишининг феъл-атворини белгилайдиган айрича фазилатлари бўлади, характерининг шу қирраси унинг қиёфасини тасаввур қилишда етакчи мавқе касб этади. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, Мусо Каромовнинг етакчи фазилати, менинг назаримда, ўз касбини бағлан масъулияти эди. Ана шу одати унда гайрат, хушёрлик, тезкорлик сингари бошқа сифатларни ҳам камолга етказгандай. Уша масъулият ҳисси туфайли махсус муҳбир сифатида вилоят ҳаётини бу-

тун борлиги билан қамраб олишга интилар, катта-кичик ўзгаришларни тажрибали қаламкаш кўзи билан баҳолаб, уларни республика матбуотида ёритишни ўз бурчи деб биларди. У ишлайдиган газетанинг ҳар бир сониди Мусо Каромовнинг фамилияси бўларди. Муҳлислар бунга кўникиб қолганди, ҳамкасблар эса ҳам ҳазил, ҳам қитмирилик билан "Мусо Каромов бўлмаса, газета чикмайди" қабилида пи-санди қилишарди. Агар тахририят папкасида мақолалар йиллаб навбат кўтиб ётишини инобатга оладиган бўлсак, ҳамкасбларнинг куюнишида жон бордек. Бироқ энг яхши нарсалар навбатсиз газета юзини кўради, деган касб қоидасини эслаганда, Мусо Каромовнинг қанчалик маҳоратли, топқир, ҳозиржавоб журналист бўлганини эътироф этмай илож йўқ.

Дехқонободдан бир шикоят келди. Тахририят топшириги билан воқеани жойида ўрган-дим ва "Кенгликларга сизмас бедодлик" сарлавҳали каттагина мақола эълон қилдим. Унда касб талаби билан икки томоннинг манфаатлари баравар тарозига қўйилган, бу эса аризабозга ёкмаган (унингча, рақибини "текислаб" ташлаш керак эди-да) ва қарор топган "анъана"га кўра у республика газетасига шикоят хати йўллабди. Мусо ака ҳузурига чорлаб: "Ҳажимжон, мақолагизни ўқиганман, унда эъти-

розга ўрин қолмаган эди. Бироқ нима қиламиз, шикоятни бориб ўрганмасак бўлмайди. Рози бўлсангиз, бирга борайлик", деб қолди. Бағрикенгликни қаранг! Бошқа бир қитмироқ ҳамкасб бўлганда, бу гапни менга сез-дирмаган, сирдан иш юри-тиб, менга ҳам анча-бунча қора чалашга асос излаган бўларди. Жон деб рози бўлдим. Бирга Дехқонободга кетдик.

"Агар ит одамни қопиб олган бўлса, бу янгилик эмас, мободо одам итни тишлаб олган бўлса, мана бу янгилик".
Жон Б.БОГАРТ, 1882 й.


Ҳажим САТТОРИЙ

ДУНЁДА НИМА ГАП?

Дараклар

Кўприкни ўғирлаб кетишди

АҚШнинг Пенсильвания штати ҳудудидаги темир кўприк ўғирланган. Полициячиларнинг тахминига қараганда жиноят сентябрь ойи охири октябрь ойининг биринчи ҳафтасида содир этилган.



Уzunлиги 15, эни эса 6 метрни ташкил этган бу кўприк ўта сифатли пўлатдан тайёрланган эди. Жиноятчилар уни бўлакларга ажратишда босимли газ ёрдамида кесадиған ускунадан фойдаланган. Кўприк тахминан 100 минг АҚШ доллари қийматиға эға, деб баҳоламоқда.

Кўприкларни ўғирлаш ҳолатлари вақти-вақти билан турли мамлакатларда учраб туради. Ҳатто бундан бир йил муқаддам Австралияда ёғочдан ясалган кўприкни умаришган эди.

Йуқучи фил йўл ҳаракатини бузди

«Бешинчи» лақабли Африка фили уйқуси келгани сабабли асфальт йўлга ётиб олди. Натижада автомобилларнинг йўли тўсилиб қолди. Воқеа Лондон кўчаларидан бирда содир бўлди, дея хабар тарқатди «The Daily Mail» нашри.




Ҳайвонот боғи назоратчиси Энди Памнинг айтишича, октябрнинг биринчи ўн кунлигида кузатилган жазирама «Бешинчи»ни ҳолдан тойдирган. Боз устига, фил табиатан ўта инжиқ, шу боис унинг бу хатти-ҳаракатидан таажубланмаса ҳам бўлади.

Филнинг мизғиб олиши учун қанча вақт кетгани номаълум. Аммо бу вақт мобайнида автомобиль ҳайдовчилари уни четлаб ўтишининг иложини топишолмади. Ниҳоят, оғирлиги 5,5 тонна келадиган жонивор ўрнидан турғач, йўл қатнови изға тушди. «Қаҳрамон» эса ҳордигини давом эттириш учун ҳайвонот боғига йўл олди.

Қандли диабетнинг давоси топилади?

Япон олимлари сичқонларни қанд касаллигидан даволаб кўришди. Бунга улар ўзга кемирувчилардан олинган асаб тўқималарини кўчириб ўтказиш йўли билан эришишди. Тажриба Томоко Кувабари бошчилигидаги бир гуруҳ мутахассислар томонидан амалга оширилди.



Маълумки, қандли диабет инсон организмиде инсулин моддасининг етишмаслиги боис ривожланади. Ошқозон ости беэи — бета-тўқималарнинг гармон ишлаб чиқариш тартиби бузилганда биринчи даражали диабет, инсулин моддасига нисбатан терида ҳис этиш хусусияти сулшашганда эса иккинчи даражали диабет касаллиги келиб чиқади.


Кувабари гуруҳи тажрибалар чоғида сичқонларға уларнинг ўтмишдошлари бош миясидан олинган хид сезувчи тўқималарни кўчириб ўтказишган. Олимлар бу тўқималарни организмде инсулин ишлаб чиқарадиган Wnt3a оксиди, шунингдек, мазкур жараён тўхтаб қолишининг олдини оладагидан антителалар билан қайта ишлашди. Ошқозон ости беэига кўчирилган бета-тўқималар сичқон организмиде инсулин моддаси ишлаб чиқарилишини кўнайтириб, қонда глюкоза миқдорини камайтирди.

Кувабари бу янги усул биринчи даражали диабетларни даволашда донор органлардан фойдаланишға эҳтиёж қолдирмайди, деган умидда.

Жорий йилнинг сентябрь ойида Европа диабетларни ўрганиш ассоциацияси айни пайтда 366 миллион киши мазкур касалликдан азият чекаётгани ҳақида маълумот берди. Шунингдек, ассоциация маълумотларига кўра ҳар йили 4,6 миллион нафар инсон диабет туфайли ҳаётдан кўз юмади.

Океанияда ичимлик суви муаммоси

Океания фукарolari ичимлик сувисиз қолиш хавфини бошдан кечирмоқда. Маълум бўлишича, Токелла оролларида бор-йўғи бир ҳафталик чўчүк сув захираси қолган. Ҳудудда фавқулодда ҳолат эълон қилинган.



Бундан бир неча кун олдин Тинч океани марказида жойлашган, 12 минг аҳолиға эға бўлган Туалу оролида ҳам ичимлик суви тўғабгани ҳақида хабар тарқатилган эди. Душанба куни эса Янги Зеландия ҳукумати ўзига бўйсунувчи Токелла ва кўшни Туалу ороллариға самолётларда ичимлик суви ортилган контейнерларни етказиб бера бошлади. Ташқи ишлар вазирлиги маълумотиға қараганда мамлакатдан Тинч океанининг бошқа ороллари ҳам кўмақ сураган.

Тинч океан ороллари ҳудудиде биронта ҳам чўчүк сув хавзаси мавжуд эмас. Маҳаллий аҳоли асосий ичимлик сув манбаини ёмғир сувлари ҳисобига ғамлайди. Ёмғир суви махус асбоблар ёрдамида йиғиб олинди ва кейинчалик ундан фойдаланиш мақсадида асраб қўйилади.

Отабек ОТАЁРОВ тайёрлади

Шарҳ

ЭНГ ОММАБОП МАХСУЛОТ

Бутун дунё аҳлиға танилиб, муаллифиға бир тийин ҳам фойда келтирмаган ихтиролардан бири америкалик Жон Стис Пембертонға тегишли. У 1886 йилнинг 8 майида Атланта шаҳрининг Мариет кўчасида жойлашган уйининг орқа ҳовлисида ўзи яратган бош оғриғи тушқунлик ва васвасани даф этувчи янги ичимликдан татиб кўради. Мис қозончада қайнатиб тайёрланган кўнғир сироп Пембертонға ёқиб қолади. Ана шу оддийгина ичимлик бугун барчанинги чанқоғини қондираётган «Coca-Cola» эди.



«Coca-Cola» бугунги кунда дунёдаги энг қиммат савдо белгиси бўлиб, унинг брендини экспертлар 75 миллиард АҚШ долларига тенг, деб ҳисоблашади. Қизғи, бу махсулот савдосидан даромад олаётганлар орасида ажайиб ичимлик ихтирочисининг авлодлари йўқ. Лекин улар орасида уч киши борки, уларнинг ҳар бири унинг махсус танқоқчилар кўриқлайди, улар давлат ҳудудини тарқ эти олишмайди.

Бу уч кишининг ҳар бири махсулот тайёрлаш сирининг маълум бир қисми ҳақида маълумотға эға, холос. Улар «Coca-Cola» ичимлиги таркибининг сир сақлашади. Кўпчилик бу маълумотларни шунчаки уйдирма, компания рекламаси учун бир восита, деб ҳисоблайди. Лекин 2006 йилда «Coca-Cola»ни тайёрлаш усули бўйича маълумотларни қўлга киритиб, уларни рақобатчи «Pepsi CO» компаниясига жуда катта маблағ эвазига сотишини мўлжаллаган икки ходим қўлга олинди ва ҳар бири 8 йиллик қамоқ жазосига ҳукм этилди.

Тақдир ҳазилини қарангки, бугунги кунда «Coca-Cola» ичимлиги таркибида кока ҳам, қола ҳам йўқ. «Coca-Cola» дастлаб ихтиро қилинганда таркибида кокаин ва қола ёнғоғи бор эди. XX аср бошлариға қадар кокаин истеъмол қилиш қонунға хилоф ҳисобланмасди. Лекин наркотик моддалар қаторига киритилиб, истеъмол тақиқланганидан сўнги кокаин ичимлик таркибидан чиқарилди. Кейинчалик қола ёнғоғи ҳам айни шу сабабға кўра олиб

ташланди. Лекин дунёнинг энг машҳур ичимлиги номи «Coca-Cola» лиғича қолаверди.

Яна тарихға қайтайлик. Фармацевт Жон Пембертон яратган ўзига хос сиропни дастлаб ҳисобчи Фрэнк Робинсон билан бирға татиб кўради. Фрэнкка ичимлик маъқул келади ва уни шаҳардаги энг йирик дорихонаға олиб борди. Дорихона ходимлари антиқа сиропға газланган сув аралаштириб, сота бошлайдилар.

«Coca-Cola» номи ва унинг ўзига хос ёзуви Фрэнк Робинсонға тегишли. Фрэнк келажақда бу савдо бренди дунёға ёйиштириш сизмаган шекилли, ўлимидан олдин — 1888 йили ўз ихтиросини дўстларига сотиб юборди.

Орадан бир қанча вақт ўтиб, Атлантада чўнтағида бор-йўғи 1 доллару 75 цент билан ирландиялик муҳожир Аса Кендлер пайдо бўлди. Кендлерға ўзига ишончи панч бермайди ва у тadbirkorлиги орқали анчагина пул тўплайди ҳамда Пембертондан «Coca-Cola» рецептини 2300 долларға сотиб олади. Бу ўша пайтда жуда катта маблағ эди. Кендлер акиси ва икки ҳамқори ёрдамида Жоржия штатида бугунги кундаги қиймати 70 миллиард долларға баҳоланаётган «The Coca-Cola Company» компаниясини рўйхатдан ўтказди.

Бизнес ривожини учун икки омил — яхши махсулот ва яхши реклама зарурлигини Аза Кендлер биларди. У «Coca-Cola» ичимлиги рекламаси ва сифатиға жиддий эътибор қаратади. Уша даврда «барабанчилар» деб номланган ҳаракатчан ёшлар сотув хизматиға жалб этилади ва бу иш тез орада ўзининг ижобий натижаларини бера бошлайди. «Coca-Cola»нинг рекламасини энг оммабоп наслардан, гавжум жойларда кўриш мумкин эди. Машҳур артистлар, спортчилар рекламаларда «Coca-Cola» ичимини тавсия этишарди.

Мазкур ичимликни ишлаб чиқаришини бошқа давлатларда ҳам режалаштирган Кендлер илк бор Куба ва Панамани танлайди. Кейинчалик истеъмолчилар сонининг кескин ортиб бораётгани ва бошқа давлатлардан ҳам таклифлар тушаётганини инобатға олиб, 1920 йили Европадаги биринчи заводни Францияда ишға туширади. Бугунги кунда «Coca-Cola» корхоналари деярли ҳар бир давлатда бор. Компания дунёдаги энг йирик савдо тармоғига эға.

«Coca-Cola» тарихида муаммоларға ҳам дуч келишган. Айниқса, қалбаки ичимлик ишлаб чиқарувчилардан аламзада бўлган компания кўмак сўраб ўз даврининг энг машҳур изқуварлари — Пинкертон агентлигиға мурожаат қилган. Шундан буюра «Coca-Cola»нинг фаолияти билан боғлиқ суд жараёнида махсус ҳуқуқшунослар гуруҳи хизмат кўрсатади. Қалбаки махсулот ишлаб чиқарувчиларға қарши восита сифатида Индианадаги «Рут Гласс Компани» корхонаси дизайнерлари 1915 йили «Coca-Cola»нинг машҳур шиша идишини ясаганлар. Бу идиш 1977 йили «Coca-Cola»нинг товар белгиларидан бири сифатида махсус рўйхатға олинган.

Иккинчи жаҳон урушидан олдин «Coca-Cola» дунёнинг 44 давлатида сотиларди. АҚШ урушға қўшилғач, Р.Вудрауфф «Ҳар бир ҳарбий қаерда бўлишдан ва бу қанча маблағ ҳамда меҳнат талаб қилишдан қатъи назар, 5 цент эвазига «Coca-Cola» ичиш имкониятиға эға бўлиш шарт!», деб буйруқ чиқаради. Шу тариқа махсус тунука идишларда фақат ҳарбийларға мўлжалланган 5 миллион банкандан ортиқ «Coca-Cola» ичимлиги ҳарбий қисмларға етказиб берилади. Кейинчалик махсус тунука идишлардаги ичимлик эркин савдоға ҳам чиқарилади. 1928 йили Амстердамда ўтган ёғи Олимпиада ўйинларига 1000 қўти «Coca-Cola» олиб келиб тарқатилади. Шундан сўнги «Coca-Cola» ва спорт биририға чамбарчас боғлиқ бўлиб қолди.

Ҳозирги кунда «Coca-Cola» компанияси томонидан 200 турға яқин ичимлик ишлаб чиқарилади. Лекин уларнинг 80 фоизини «Coca-Cola», «Fanta» ва «Sprite» ташкил қилади. Дунёда «Coca-Cola»нинг 8 тури, «Fanta»нинг 70 дан ортиқ турлари мавжуд. Ҳар кун дунёда 1 миллиард дондан ортиқ «Coca-Cola» махсулоти сотилади. Жон бошиға энг кўп «Coca-Cola» истеъмол қилувчи давлатлар Мексика ва Исландия ҳисобланади.


Кўришиб турибдики, 125 йиллик тарихға эға «Coca-Cola» ўтган давр мобайнида қўллаб эврилишларини бошидан кечирган. Ҳозирги кунда у дунёдаги машҳур ўнта савдо белгисининг бири сифатида эътироф этилмоқда.

Зайнаб НОСИРОВА

Дунё матбуоти саҳифаларида

«Icarus» журнали Венерада озон қатлами топилиди

Олимлар «Venus Express» аппарати ёрдамида Венерада озон қатлами борлигини аниқлашди. Бунгача эса ушбу қатлам Ер сайёрасидан ташқари Марсда ҳам кузатилган эди. «Icarus» журналинда шу ҳақида мақола чоп этилган.



Ушбу кашфиёт SPICAV (Spectroscopy for Investigation of Characteristics of the Atmosphere of Venus) номи спектрометр жамланган таҳлиллар негизида юзаға чиқди. Озон қатлами атмосферадан вертикал конвекция бўйлаб 100 километр баландликда жойлашган.

Олимларнинг фикрича озон атмосферанинги юқори қатламидаги қуёш нурларининг таъсири натижасида пайдо бўлган. Ўз навбатида мазкур бирикма худди ердаги каби хлор билан содир бўлган реакция натижасида барҳам топади. Компьютер таҳлиллари натижасиға кўра Венерадаги озон цикли ердагиға жуда ўхшаш. «Улооса ўрнида айтиш мумкинки, ер стратосферасидаги дастлабки кимёвий реакциялар Венерада ҳам қараткаға эға», — дея ёзади муаллиф ўз мақоласида.

Ер қатламларини текширишға мўлжалланган «Venus Express» аппаратини фазаға 2005 йилнинг ноябрида Бойкўнғир космодромидан Россиянинг «Союз» номи ракетаси олиб чиққан эди. Зонд Венера орбитасига 2006 йилнинг апрель ойида етиб борган. Шундан буюн у сайёрамиз кўшинининг атмосферасини ўрганиш билан машғул.

«The Journal of Physical Chemistry C» журнали Чанғлар таркиби ўрганиб чиқилди

«Огайо университети физиклари чанғ таҳлилларини ўтказиш натижасида уларнинг 63 турини идентификация қилишди. Олимларнинг фикрича, чанғлар каталогини тузишда бу илк қадам, холос». «The Journal of Physical Chemistry C» журналинда чоп этилган мақола айнан шундай бошланади.



Олимлар тадқиқотлар давомиде объектнинг инфрақизил спектрини олишда 2003 йили амалиётға жорий этилган асбобдан фойдаланишган. Бу асбоб металл наносети, плазмали эффектлар ёрдамида инфрақизил спектрларни деярли яхши олиш имконига эға.

Олимлар тўпланган маълумотлардан фойдаланган ҳолда 3-5 микрометрлик чанғлар таркибининг таҳлил қилишға муваффақ бўлдилар. Аниқлашишча, чанғлар таркибида органик материаллар энг кўп тарқалган экан. Иккинчи ўринни минерал кварц, учинчи ўринни эса карбондлар банд қилган.

Мутахассисларнинг сўзларига қараганда максимал ўлчамдаги чанғлар таҳлили шунинг кўрсатадики, улар ўпка учун зарарлидир. Юқоридаги тадқиқотлар эса чанғларнинг инсон соғлиғи учун хавфли ёки хавфсиз эканини аниқлашға ёрдам беради.

Улугбек АСРОПОВ тайёрлади

Молия муассасаларида

Мижозларнинг яқин кўмакчиси



Истиқлолнинг дастлабки йиллариданок юртимизда кичик бизнес ва хусусий тadbirkorликни ривожлантириш, бозор ислохотларини чуқурлаштириш, товар ва хизматлар рақобатбардошлигини оширишға жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Бу борада, шубҳасиз, банк муассасаларининг иштироки муҳим ўрин тутаети. Зеро, юрт тарққиёти, эл фаровонлигини таъминлаш кўп жиҳатдан пул-кредит муносабатларини тўғри йўлга қўйишға боғлиқдир.

Молия бозорида ўз ўрниға эға бўлган «Туронбанк» ОАТБ ҳам миждозларнинг яқин молиявий кўмакчиси айланган, десак асло хато қилмаймиз. Айни кунда вилоятларда унинг 15 та филиали мавжуд бўлиб, ўтган йили кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик субъектларига 139 миллиард 311 миллион сўмлик микромолиявий хизматлар кўрсатилган. Бу эса жойларда тadbirkorликни ривожлантириш, янги корхоналар барпо этиш, мавжудларини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, янги иш ўринларини яратишда муҳим аҳамият касб этапти.

Айни кунда молия муассасасининг Қашқадарё вилоятда 2 та филиали, 7 та минибанки, 8 та жамғарма кассаси ва 3 та халқаро пул ўтказмалари шохбчаси ишлаб турипти. Улар томонидан 2295 миждозға намунали хизмат кўрсатиб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг Кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик йили деб эълон қилиниши мазкур молия муассасаси фаолият қўламини янада кенгайтиришға омил бўлганини таъкидлаб ўтиш жоиз. 2011 йилнинг ўтган 9 ойида банк филиаллари барча молиялаш манбалари ҳисобидан 94 та кичик бизнес субъектиға 4 миллиард 980 миллион сўм миқдорда қисқа ва узок муддатли кредитлар ажратилди. Жумладан, саноат соҳасига 840 миллион, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришға 1 миллиард 381 миллион, савдо соҳасини раванқ топтиришға 1 миллиард 792 миллион, қурилиш 535 миллион ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасини тараққий эттиришға 432 миллион сўмлик кредитлар йўналтирилди. Натижада 132 та янги иш ўрни яратилди.

Шунингдек, биз сўз юритаётган «Туронбанк» ОАТБнинг Қашқадарё филиали томонидан ажратилган маблағлар эвазига 7 та фермер хўжалиги замонавий комбайнлар сотиб олишға эришди. Натижада ушбу хўжаликларда ғалла ўриш мавсуми муваффақиятли яқунланиб, ҳосил ўз вақтида нест-нобуд қилинмай йиғиштириб олинди.

Бундан ташқари, Миришкор туманидаги «Сичонгул муъжизаси» кичик корхонаси ҳам молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани туфайли бу ерда паррандачилик, чорвачилик ва аҳолиға маиший хизмат кўрсатиш тармоқларини жадал ривожлантиришға эришилмоқда.

Кейинги йилларда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимида қўлай тўлов воситаси ҳисобланган пластик карточкалар аҳоли ўртасида тобора оммалашиб бормоқда. «Туронбанк» ҳам бу хайрли ишдан четда қолаётгани йўқ. Айни кунда 20 мингдан зиёд киши банкнинг биргина Қашқадарё филиаллари пластик карточкаларидан фойдаланмоқда. Савдо ва хизмат кўрсатиш шохбчаларида ўрнатилган 130 дан ортиқ терминал бу борада жуда қўл келаети.

Тўловларни масофадан туриб электрон тарзда амалға

Ислом СУЛТОНОВ, «Hurriyat» муҳбири

12 октябрь — Табиий офатларнинг хавфини камайтириш халқаро куни

ЭНГ МУҲИМИ ФАВҚУЛОДАДА ҲУШЁРЛИК ЗАРУР

Тафаккурнинг учкур отига миниб, не-не кашфиёту ихтиролар қилаётган инсоният табиий офатлар олдида барибир ожиз қолмоқда. Сўнгги йилларда Гаити, Суматра ороллари ва Японияда содир бўлган кучли zilzilalar келтирган офат кўлами тарих саҳифаларида узоқ вақт инсониятни даҳшатга солса ажаб эмас.

БМТнинг Табиий офатлар хавфини камайтириш бўйича халқаро стратегияси маълумотларига қараганда, кейинги 12 йилда юз берган табиий офатларнинг катта қисмини ер силкинишлари ташкил этган. Бироқ одамзот ҳам офат қаршисида қўл қовуштириб ўтиргани йўқ. Турли йўллар, усуллар орқали zilzila қачон содир бўлишини аниқлашга уриниб, хавфнинг олдини олиш чораларини ахтармоқда.



мавжуд. Масалан, ер остида радон моддасининг миқдори маълум миқдорда ўзгаради. Бу борада илмий изланишлар олиб борилган. Шунингдек, ер қобиғининг геомангит майдонларидаги ўзгаришлар, деформацияларни кузатиш билан zilzilalar олдиндан айтиб беришга ҳаракат қилинмоқда. Лекин дунёда уни олдиндан узиликесил айтиб берадиган стандартлаштирилган тизим яратилган эмас.

Жорий йилнинг 19 июлида Республикаимиз Вазирлар Маҳкамаси қарори билан «Аҳолини zilzilalar оқибатида юзага келадиган вазиятларда (табиий ва техноген тусдаги) ҳаракат қилишга тайёрлаш комплекс дастури» тасдиқланди. Дастурда жумладан, ер қимирлаганда таълим муассасаларининг ўқувчиларини, талабаларни тўғри ҳаракат қилишга тайёрлаш, фуқаролар йиғинлари, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари аъзоларини жойларда zilzilalar оқибатида юз берадиган вазиятларда биринчи авария-қутқарув ишларини ташкил этиш ва ўтказишга ўргатиш, zilzilalar рўй берди ҳавфи юзага келганда аҳолининг хатти-ҳаракатларини кўрсатиб берадиган турли кўринишдаги қисқа метражли ўқув, илмий-оммабоп фильм-

лар ҳамда видеороликлар яратиш, ОАВда махсус рўқналар, видеороликлар, радиошиттириш ва телекўрсатувларни босқичма-босқич ташкил этиш каби билар асосий вазифалар сифатида белгиланган.

Бугунги кунда дастурда кўрсатилганлар юзасидан Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Бу ҳақда вазирлик матбуот хизмати бошлиғи Комилжон Абдунабиёв қўйидагиларни баён этди:

— Айни пайтда «Ёшлар» телеканали билан ҳамкорликда фавқулодда вазиятлар тўғрисида ҳужжатли фильм суратига олиноқмоқда. Шунингдек, «Вазият» газетасида фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш қоидаларига бағишланган махсус руқна ташкил этилди. «Ёшлар» телеканалида ҳаваскор қутқарувчилар жамоалари ўртасида «Катта ўйин» телевизион мусобақаси мунтазам равишда тайёрланиб, эфирга узатилоқмоқда. Республика Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ҳудудий бошқармалари ходимлари томонидан таълим муассасаларида «Фуқаро муҳофазаси жаҳонлари», «Ёш қутқарувчи» тадбирлари режа асосида ташкил этилоқмоқда.

Таъкидлаш лозимки, дастурда кейинги йилларда мустақ-

кам хусусий уй-жой қурилиши бўйича қўлланмалар ишлаб чиқиш, 8-9 балли zilzila юзага келиши мумкин бўлган аҳоли пунктларини сейсмик микро-районлаштириш каби масалаларни амалга ошириш белгиланган. Бу ҳақда Сейсмология институти мутахассиси Лутфулла Ҳамидовнинг фикрларини ўргандик:

— Ҳозир институтимиз ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимлари томонидан махсус қўлланма тайёрланмоқда. Унда zilzila нима, қандай талафотларни келтириб чиқаради, ер силкинишларига шай туриш қоидалари, ҳозир Ўзбекистонда қурилаётган ишоотлар нечоғли мустаҳкам қуриляпти, деган саволларга муфассал жавоб топиш мумкин. Қўлланма мактаблар, академик лицей ва коллежларга тарқатилиши мўлжалланган.

Биз 2011 йил 20 июлда содир бўлган zilziladan сўнг Фарғона вилоятининг Риштон, Олтириқ, Бағдод туманларида бўлиб, у ердаги аҳвол билан танишдик. Маълум бўлдики, архитектура талаблари асосида қурилган бирор объект, уйлар zilziladan шикастланмаган. Аҳоли томонидан қурилган хусусий уйлarning сифати ҳақида эса бундай деб бўлмайдик.


Хар бир ҳудуднинг ўзига хос сейсмик хавфлилик даражаси бор. Қурилиш ташкилотларига экспертиза текширувдан кейин лойиҳа тайёрлашга ва уй-жой қуришга руқсат берилади. Бундай уйлар учун лойиҳалар тузишда ҳудудларнинг zilzilalar бардошлилик даражаси аниқланган кўрсаткичлар эътиборга олинади. Хусусий қурилишларда эса ақсарият ҳолатларда бу қоидаларга риоя қилинмайдик. Шунинг учун ҳам улар кўчи zilzilalarга бардош бери олашмайдик.

Уй-жой одамлар учун ҳам қўлай, ҳам узоқ муддатга мўлжалланган бўлиши лозим. Зеро, табиий офатларга бардош бери оладиган пишиқ гиштли уй-жой қуришга нима етсин.

Фозил ЖАББОРОВ, «Hurriyat» муҳбири


Билмаганини билган яхши

Фарзанд ўғай бўлса...



— Қонунчиликда воёга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғам-хўрлик қилишга мажбурият белгиланган. Агар фарзанд ўғай бўлса-чи? У ҳам ёрдамга муҳтож ўғай отаси ёки онасига таъминот беришга мажбуриятми?

С.Эгамбердиев
Бектемир тумани




Оила кодексининг 128-моддасига кўра, меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ўғай ота (ўғай она)нинг ота-онаси, хотини (эри) ёки воёга етган меҳнатга лаёқатли болалари бўлмаса ёхуд улардан таъминот учун маблағ ололмаса, уларга таъминот бериш мажбурияти ўғай ўғил ва ўғай қизларга юклатилиши мумкин.

Агар ўғай ўғил ва ўғай қизни ўғай ота-она тарбиялаган ва таъминот берган муддат беш йилдан кам вақтни ташкил этса, шунингдек, улар ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаган бўлса, суд ўғай ўғил ва ўғай қизни ўғай ота-онасига таъминот бериш мажбуриятидан озод қилишга ҳақли.


Саволга Чилонзор туман ДНИ нотариуси
Дилшод МАКСУМОВ жавоб берди

Реституция нима?



Мен хусусий корхонада ишламан. Яқинда имзоланган битимимиз ҳақиқий эмас, деб топилиб, биринчи марта реституция деган иборатга дуч келдим. Шу тўғрисида билмоқчи эдим.

Ф.Саидов
Қарши тумани




«Реституция» деганда томонлар ўртасида тузилган келишув ҳақиқий эмас, деб топишдан келиб чиққан ҳолатда келишув асосида томонларга берилган барча нарсаларнинг ўз эгаларига қайтарилиши тушунилади. Олинган нарсени аслича (шу жумладан, олинган нарса мол-мулкдан фойдаланиш, бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат билан ифодаланганда) қайтариб бериш мумкин бўлмаганда эса (агар битим ҳақиқий эмаслигининг бошқа оқибатлари қонунда назарда тутилган бўлмаса), унинг қиймати пул билан тўлдирилиши шарт.

Халқаро муносабатларда реституция деганда, бир томоннинг иккинчи томонга ноқонуний хатти-ҳаракати (масалан, агрессия) туфайли келтирилган зарарини, ушбу ноқонуний хатти-ҳаракатга бўлган ҳолатни қайтаришга йўналтирилган, моддий шаклдаги тўлов назарда тутилмайди. Масалан, иккинчи жаҳон уруши даврида фашистлар Германияси ва унинг иттифокчилари томонидан бошқа давлатларни босиб олиш туфайли қўлга киритилган бойликларни реституция қоидалари асосида ўз эгаларига қайтариш халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ифодаланган.


Саволга Яққабог туман ДНИ нотариуси
Сайёра ИСМАТОВА жавоб берди

Воёга етмаган ходимга энгилликлар бор



— Меҳнат қонунчилигида 18 ёшга тўлмаган ходимларга моддий жавобгарлик масаласида қандай энгилликлар, имтиёзлар белгиланган?

В.Қудратова
Чирочки тумани



Меҳнат кодексининг 202-моддасида ходимнинг тўлиқ моддий жавобгарлиги ҳоллари белгиланган. Унга кўра, махсус ёзма шартнома асосида унга ишониб топширилган қимматликларнинг сақланишини таъминлагани учун, бир марталик ҳужжат асосида олинган қимматликларнинг сақланишини таъминлагани учун, қасддан зарар етказгани учун, алкоғолли ичимликлар, гўёҳандлик воситалари ёки токсик моддалар таъсиридан маст ҳолатда зарар етказганда, ходимнинг суд ҳукми билан аниқланган жиноят ҳаракатлари натижасида зарар етказилганда, тижорат сирлари ошкор этилганда, қонунларда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорларида назарда тутилган ҳолларда тўлиқ жавобгарлик белгиланади.

18 ёшга тўлмаган ходимлар фақат 3 ҳолатда, яъни қасдан етказилган зарар учун, алкоғолли ичимликлар, гўёҳандлик воситалари ёки токсик моддалар таъсирида жиноят содир этиш натижасида етказилган зарар учун тўлиқ моддий жавобгар бўлади.

Саволга Қарши шаҳридаги 3-сон ДНИ нотариуси
Мавлуда АЗИЗОВА жавоб берди

Кафиллик шартномаси



— Кафиллик шартномаси қандай тузилади? Унинг қандай мажбурият ва жавобгарликлари бор?

Т.Жабборов
Шайхонтоҳур тумани



Кафиллик азалдан мавжуд тушунча бўлиб, кафил бошқа шахс мажбуриятини тўла ёки қисман бажариш учун унинг кредитори олдида жавоб бериши ўз зиммасига олади. Фуқаролик кодексининг 4-бўлимида кафиллик шартномасига шундай таъриф берилган: «Кафиллик шартномаси ёзма шаклда тузилиши керак. Бунга риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади. Кафиллик шартномаси кафил ёки қарздор зиммасига муайян мажбурият ва жавобгарлиқни юклайди. Дейлик, қарздор кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кафил ва қарздор кредитор олдида солидар жавоб беради. Агар қонунда ёки шартномада кафилнинг субсидиар жавобгар бўлиши ва бошқа қарор назарда тутилган бўлмаса, кафил кредитор олдида қарздор билан баравар ҳажмда жавоб беришга мажбур. Яъни, у фозиллари, кредитор қўрган бошқа зарарларни, қарзни ундириб олиш бўйича суд қиқимларини тўлайди».

Таъкидлаш керакики, шартномада кўрсатилган кафиллик муддати ўтганидан кейин кафиллик бекор бўлади. Агар бундай муддат белгиланган бўлмаса, кредитор кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажариш муддати келган кундан бошлаб бир йил давомида кафилга даъво қўзғатмаса, кафиллик бекор бўлади.


Саволга Шайхонтоҳур тумани ДНИ нотариуслари
Муқаддас АБДУҚОДИРОВА, Мамюра НИЁЗОВА
жавоб берди

Криминология

ЖИНОЯТЧИЛИК ПСИХОЛОГИЯСИ

ёки коррупционерлар қандай пайдо бўлади?

Ҳар қандай жиноятга қарши курашда уни содир этмаганларнинг шахсини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Криминологияда жиноятчи шахси икки аспектга — ижтимоий муносабатлар ва таъсирлар объекти ҳамда мақсадага йўналтирилган, макророланувчи фаол фаолият субъекти сифатида ўрганилади.



Жиноятчи шахсини илмий жиҳатдан ўрганиш асосан шахсда жиноий хулқни келтириб чиқаридиган хусусият ва сифатларни аниқлаш, уларни баҳолаш ҳамда шунга мувофиқ равишда жиноят содир бўлишининг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш ва амалга татбиқ этишни мақсад қилиб кўяди. Жиноятчилар, шу жумладан, коррупционерларнинг психологик (руҳий) хусусиятларини ўрганишда уларнинг индивидуал сифатлари, турли шароит ва вазиятларга мослашувчан ахлоқи, ўзи тўғрисидаги тасавурлари, шахслараро муносабатлари ва ижтимоий таъсирлар таъсирини эътибор қаратилади. Коррупционерлар шахсини эмперик ўрганиш ва уларни қонунга итоаткор фуқаролар билан қиёслаш натижалари шундан далolat берадики, уларда бир қатор фарқ килувчи (жумладан, психологик жиҳатдан фарқ қилувчи) хусусиятлар мавжуд. Хусусан, коррупционерлар қонунга итоаткор фуқаролардан меъерий тизимларга нисбатан салбий муносабати билан фарқланади. Бироқ бу ахлоқий-руҳий шаклланишида уларнинг ижтимоий

муносабатлар таъсири остида бўлишини инкор этмайди. Шуниси аниқки, коррупционер шахсидан фарқ қилади. Бундай одамларнинг ақсарияти яқин оиладан келиб чиққан, ишчан, олий маълумотга эга, руҳан кучли, дунёқароши кенг кишилар саналади. Моддий таъминланганлиги жиҳатдан ҳам уларнинг кўплари юқори даромад манбаларига эга. Қўпчилигида ватанпарварлик туйғуси йўқ, деб ҳам бўлмайди. Шу туфайли ҳам коррупционерлар шахсини тадқиқ этишда умумий, одатий ёндашувлар асосида эмас, балки кўпроқ ижтимоий ва юридик-психологик жиҳатдан ўрганиш мақсадага мувофиқдир.

Коррупциявий жиноятлар содир этилишига рағбат бўладиган ҳолатлардан бири жамиятда бундай турдаги ақсарият жиноятларнинг латент жиноятчилигига қолиши ҳисобланади. Қатор давлатлардаги амалиёт шундан гувоҳлик берадики, одатда кўпи даражадаги ва нари борса, ўрта даражадаги коррупционерлар жиноий жаъзага тортилади. Мутахассислар фикрича, бунинг сабаблари қуйидагиларда кўринади:

— коррупциявий жиноятлар содир этувчи уюшмалар, шахсларнинг профессионализи ошиб бормоқда;

— амалдаги қонунчиликнинг такомиллашмагани;

- коррупциявий ҳодисаларга нисбатан аҳолининг тоқатлиги ва лоқайдлиги;
- жиноий йўл билан топишган ийрик миқдордаги пул маблағларига эга бўлган шахслар билан юқори лавозимларда ишловчи, ҳокимият ваколатларига эга бўлган мансабдор шахсларнинг узвий алоқалар ўрнатилгани.

Ҳуқуқшунос олим Л.Гаухман «Умумий ижтимоий мазмунида коррупция мансабдор шахсининг унга берилган ваколат ва ундан келиб чиқадиган имкониятлардан шахсий бойлик орттириш йўлида фойдаланишини аниқлатади. Ҳар қандай мансаб ва унга боғлиқ бўлган ҳокимият катта ёки кичик даражада ўзида ноқонуний бойлик орттириш имкониятини қамраб олади. Бу имкониятдан фойдаланиш ёки унинг акси инсоннинг ахлоқий жиҳатлари, ҳалоллиги, ўзини, жамият ва давлатни ҳурмат қилишига, бурчига муносабатига боғлиқ», деб фикр билдиради. Шунинг ҳисобга олиш лозимки, коррупциялашган шахслар нафақат давлат ваколатлари ва профессионал билимларига эмас, балки муайян жиноий тақрибга ҳам эга бўлишади, улар ўзлари ташаббус кўрсатиб, ўзларини сотиб олаётган шахсларнинг манфаатларини кўзлаб у ёки бу ҳаракат (ҳаракатсизлик)ни бажариши мумкин.

Ақсарият мамлакатлар қонунчилигида коррупционерларга ҳам, уларни сотиб олаётган шахсларга ҳам жиноий жавобгарлик белгиланган. Жиноятнинг очилишига қайсидир маънода тўққонлик қилади. Чунки икки томон ҳам жиноятнинг фойдаланишидан манфаатдор.

Қолаверса, иккала томон ҳам, одатда, гувоҳларсиз ҳаракат қилади, жиноятни яшириш ва изларини йўқотиш учун чоралар кўради, агар жиноят иши қўзғатилгудек бўлса, жиноят иштирокчилари ва гувоҳларни сотиб олишда ёки қўрқитишда, ҳатто бундай ҳаракатлар тергов олиб бораётган шахсларга нисбатан ҳам қўлланма олади.

Коррупционер шахсини ўрганиш учун, энг аввало, у содир этадиган жиноий қилмиш қандай мотив асосида амалга оширилишига эътибор қаратиш керак. Зеро, инсондаги мотив унинг шахси қандайлигини тавсифлашда асосий мезонлардан бири саналади. Мотивнинг ўзи жиноий ҳисобланмайди, фақат хатти-ҳаракат жиноят бўлиши мумкин. Ва у мотивни амалга оширишда танланган воситага, шахсининг ахлоқий йўналиши, унинг мавжуд ҳуқуқий нормага муносиблигига боғлиқ бўлади. Руҳий ҳодиса сифатида мотив ижтимоий зид бўлмаслиги мумкин. Шундан келиб чиқиб коррупционерлар фақат гараз мақсадларда жиноятни содир этади, деб ўйлаш нотўғри бўлади.

Айрим мутахассислар кўпчилик коррупционерлар ижтимоий хавфли қилмишларни ҳаётда юқори мавқени эгаллаш, мансаб ваколатларига эга бўлиш учун содир этади, деган фикрда. Бундай шахслар атрофдагилар орасида доимий обрўга эга бўлиш учун ҳаракат қилдилар, ҳамма вақт одамлар эътиборида бўлишни исташади. Шахсий бойлик орттириш маъносидан гараз бу ерда фақат қўшимча мотив сифатида намоён бўлади. Бундан ташқари, сохта ижтимоий мотивларга эътибор бериш лозим.

Худойёр МЕЛИЕВ,
Адлия вазирлиги
бошқарма бошлиғи


МАЪНАВИЯТ

Саҳна ва ҳаёт

ШАҲС ВА ТИМСОА УЙҒУНЛИГИ

Ўзбекистон халқ артисти Пўлат Саидқосимов портретида тизилар

Санъатда бир умр эл назарига тушмай ўтган инсонлар бор. Улар ҳам, балки, истеъдоддан бенасиб эмасдир, муайян санъат асарлари яралишида уларнинг ҳам хизматлари бордир. Аммо тақдир азалми ёки эътиборсизлик, ё ўта хокисорлик-камтаринликми, балки омадсизлик туфайли санъат даргоҳида юрган ҳар кимсанинг ҳам пешонаси ярқирайвермайди. Яна санъат аҳлида шундай бир тоифа бўладики, улар заҳмати ва интилишига муносиб тақдир, рағбат топмайди, эъзоз кўради. Бироқ худо ярлақанган бир гуруҳ кишилар борки, улар энди юзлаб санъаткорлар орасидан яккаш ажралиб турадилар. Ўзбекистон халқ артисти Пўлат Саидқосимов хусусида ҳам у яратган образлар мисолида ўз асл номи билан эмас, балки қаҳрамонларининг исмлари орқали қабул қилинадиган, идрок этиладиган санъаткор десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз.



Шухрат Аббосов, Комил Ёрмазов, Зоҳид Собитов, Юсуф Азимов кинода, Мақсуд Юнусов, Мели Маҳаматов телевидениеда Пўлат Саидқосимов ижодий имкониятларини тўлароқ, теранроқ миқёслироқ юзага чиқара олдилар. "Сарвиқомат дилбарим"да Илёс, "Аяжонларим"да Каримжон, "Йўлчи юлдуз"да Ислом, "Ўн учинчи раис"да Саъдиев, "Саҳро тор"да Заргаров, "Уфқ"да Икром, "Юлдузли тунлар"да Қосимбек, "Келинлар кўзғолони"да Маҳкам каби қатор образлари билан ўзбек театр санъатининг пешкари вақилари сафидан жой олган бўлса, ёзувчи Саид Аҳмаднинг "Уфқ" романи асосида Шухрат Аббосов 1971 йили суратга олган "Муҳаббат моҳароси" фильмидаги Маҳкам ролидан бошлаб то 2010 йили ёш кинорежиссёр Аюб Шаҳобиддинов ишлаган "Кечиккан ҳаёт" фильмидаги Абдураҳмон ота образигача бўлган оралиқда ўттизга яқин фильмларда суратга тушиб, миллий киноиндустрия асосий санъаткорларидан бўлиб қолди. Бежиз эмаски, у Ўзбекистон Мустақиллигининг йиллик тўйи арафасида Киноижодкорлар уюشمаси томонидан тавсия этилиб, "Фидокорона хизматлари учун" ордени билан таъдирланди.

Пўлат ака асосан бош ролларини ижро этган "Абу Райҳон Беруний" (Беруний), "Узоқ ва яқин йиллар" (Матнӣёзов), "Учар йигит" (Профессор Қориев), "Тонг олдидан" (Ота), "Кичкина одамлар", "Чол ва набира" (Чол) каби қатор фильмлар халқорав Республика кинофестиваллари, кўрик-танловларининг нуфузли мукофотларига сазовор бўлди. Буларнинг ҳар бири ҳақида узоқ сўзлаш мумкин. Пўлат Саидқосимовни халққа розман ақин ва ардоқли, суююкли қилган роллар телевидениеда яратилган "Улуғбек хазинаси" (Абдулатиф), "Диёна" (Отақўзи), "Кутлуг қон" (Мирзакаримбой), "Алишер

Навой" (Тўғонбек), "Гирдоб" (Маҳамат чаток), "Ичкўёв" (Черкашин), "Шайтанат" (Зелихон), "Туташ тақдирлар" (Маҳалла оқсоқол) номли видеофильмлардаги образлар бўлиб қолди. Эътироф этиш жоизки, ўзбек томошабини тасаввурига Пўлат Саидқосимов Маҳамат чаток образида тўқис-тугал сингди. Актёрни кўчақўйда учратган одам сира андишаланмай "ана Маҳамат чаток" деб юбориш даражасида образни қабул қилди, севди, қадрлади.

Маҳамат чаток ёзувчи Ўқтам Усмоновнинг "Гирдоб" романидаги энг халқона образ, жайдари фалсафа билан яшайдиган адалот тимсоли. Тўғрини тўғри, эгрини эгри, муттаҳамни аблаҳ деб айта оладиган дангалчи одам. Чунки ўзининг ортида шалтоғи йўқ, фикрининг тагида таъма, сўзининг остида илғоғи йўқ. Шу боис, романи ўқиган китобхон уни яхши кўриб қолади, ўз тақдирини шундай одамлар учрашини хоҳлаб юради.

Роман бош қаҳрамони — ёш олим Азизнинг нё машаққатларда бир ўзи яратган кашфиётига кечанига қаттиқ қаршилик қилиб, кейинчалик унинг муваффақият қозонишини сезган "устоз алломулар" энди шериклик даъво қилаётганда, Маҳамат чаток бефарқ қараб туролмайди. Аввало Азизга тажриба ўтказиши учун ўз ҳўжалигидан ер ажратиб бериб, уни ҳар томонлама қўллаб юрган бу чапани деҳқон муносабатлар пўртанасида яққаланиб, чеккага суриб ташланаётган йигитга мададкор бўлади, уни худбин манфаатлар муҳитида ёлғизлатмай, юзга чиқиши, руҳан синиб, ҳақиқатга ишончини йўқотмаслиги учун ошқорча курашади.

Пўлат аканинг "Табиатан дангалчиман, бўладиган гапни яхши кўраман, майда-чўйда гийбатлардан нафратланаман. Ҳушомадга тоқатим йўқ, ҳасадгўй, ёлғончи одамларни

Кўна Тошкентнинг қоқ маркази — ҳозирда Давлат ҳирки жойлашган худудларда — Себзор даҳасидаги Кадувод, Эскижўва, Тинчоб, Охунгузар, Қозикўча маҳаллалари билан чегарадош Ҳўжақўча мавзеи бўлган. Пўлат Саидқосимов 1931 йилнинг октябрида ана шу мавзеда ички ишлар ходими Саидқосим Эшонбобо ўғли хонадонидан дунёга келди. Пўлатжон тенгқурлари қатори мактабда ўқиб, сўнг Тошкент театр ва рассомчилик институтида таҳсилни давом эттирди. 1954 йили ўқишни битириб, Самарқанд вилоят театрига йўлланма олди. Гарчи бу театрда уч йилгина ишлаган бўлса-да, анчамунча образларни жонланганди. "Отелло" спектаклида Яго, "Ганг дарёсининг қизи"да Ромеш, "Холисон"да Рустам, "Тоҳир ва Зухра"да Қоработир, "Лайли ва Махжун"да Ибн Салом, "Нурхон"да Мамат...

Бир қарашда бири бирига муносив келавермайдиган ранг-баранг роллар. Албатта, кўпроқ характерли салбий роллар — Яго, Қоработир, Мамат... Балки, ташқи қиёфаси — кўз қарашларидаги қатъият, нигоҳлардаги ўқтамлик, кескирликми ёки ўз инсоний тийнатидаги тўғрисиқлик, дангалчилик, ўйлаганини яширмай, бўяб-бежаб ўтирмай шартта айтиб юборавериши, анчайин чапани феъли сабабми, бутун ижодий таржимаи ҳолида шундай роллар гўё бир тақдир бўлди...

Мақоламиз қаҳрамони бири-бирдан фарқ қиладиган, актёрлик ижро маҳоратида шаҳодат бўладиган ўнлаб образлар яратди. Бу, айниқса, 1957 йилдан ҳамза номидида Академик театр (ҳозирги Ўзбек миллий академик драма театри)га ўтиб ишлаб бошлаганидан сўнг яққолроқ кўринди. Абдулатиф ("Мирзо Улуғбек"), Салимбойваҷча ("Кутлуг қон"), Аврангзёб ("Зелбунисо"), шу билан бирга, кейинроқ республика телеви-

дениесида суратга олинган кўп қисмли видеофильмлардаги Абдулатиф ("Улуғбек хазинаси"), Мирзакаримбой ("Кутлуг қон"), Тўғонбек ("Алишер Навоий") каби роллар фикримиз исботи. "Эрта тонгдан туриб жисмоний тарбия билан шугулланаман. Шифокорнинг тавсияси бўйича ўзимни уринтирмай, лўкиллаб югураман. Дори ичидан кўра, спорт билан соғлиқни тиклаш тарафдориман." Бу жисмоний тетиклик учун мудом курашаётган актёрнинг зоҳирий эътирофи. Аммо ботиндаги мувозаанати сақлаш ҳаммасидан мушкулроқ. Унинг бошида синовиёл кунлар кўп бўлди — орзулари энди чечак оча бошлаганида онасидан айрилди, айти ижодий куч-қувватга тўлганда кадрдон театрдаги фасодли муҳит... айти "ортимда қолсин" деган умидлари суяч тилаб турганида фарзанд доғи... Булар-ку, катта синовлар, ҳаёт йўлларининг пасту баландлидаги афсус-надомат, армонлар,

Сўз санъатидан сабоқлар

Бадий ифодада таъмаъно

Бадий адабиётда меҳр ва раҳмдек энг олий туйғулар қойилмақом тараннум этилган бўлса ҳам оҳорли фикр, боқий сўз айтиш орқали юксак инсоний туйғуларни тараннум этиш билан иш бита қолмайди. Зотан, сўз санъатида ошқорча айтилган фикрлар нисбатан ошқорча айтилмаган, лекин асар мутлоасидан сўнг яққол ангалиб турган фикр — таъмаънода таъмаъно муҳимроқдир. Сўз санъати бир ганда бир фикрни айта туриб, унинг замирида ётган яна бир неча маъноларни сўзсиз ангалиш санъатидир. Масалан, асрлар мобайлида "Орифлар султони" дея улуглаб келинган Аҳмад Яссавий ҳазратларининг юзаки қараганда соддагина бир сатрни олиб, унинг маънони чақиб қаранг:

Б у ҳикматли сатрда Сирдарё сувининг сатҳида аён кўриниб турган мавҳдек аниқравшан фикр шуки, Сирдарё соҳилларида юз минг авлиё яшаб ўтган. Ҳа, бу дарё ўз номи билан сир-синоатларга тўла, тилсимга бой. Сирдарёнинг ич-ичида кечаётган оддий кўзлардан ниҳон ички оқимлардек, бошқа фикрлар ҳам ангалилади: авлиёлар ҳаёти ҳам баайни Сирдарёдек бус-бутун сир!

Кўш тилини кўш билганидек, авлиённинг сирини авлиё била олади. Бинобарин, юз минг авлиённинг ҳаёти — бу бир-бири билан уланиб, узвий боғланиб кетган сирлар ҳалқаси демокдир. Авлиёлар фаолиятига хос беҳисоб сир-синоатлардан бири шундаки, ҳар бир чинакам валий сирни сирга занжир ҳалқаларини улагандек улаш билан тинчимайди, балки меҳр-саҳоват билан сирни сирга беминнат улашайди ҳам. Тодомики, қудратли кечкис Оллоҳ тодо нафақат азиз-авлиёларни, балки бутун бани башарни сир-синоатларга бой ажиб ҳилқат қилиб яратган экан, чинакам азиз-авлиё ўзи ангалаб етган сир-синоатларни ҳеч қандам қизғанмасдан, атрофидаги инсонларга беминнат улашиши гоят табиий...

Яссавий ҳазратларининг бутун шеърини ва бу шеърят замирига теран сингдирилган лўрҳикмат, лўрҳимъо фалсафа шундай чексиз уммонки, уни ҳар ким ўзича бўйлайди. Яссавийнинг кутлуг аъналарини муносиб тарзда давом эттирган Отой, Лўтфий, Навоий, Бобур, Машраб, Оғахий ва Чўлпоннинг ҳар бири ҳам ўзича хос уммон, албатта. Айниқса, Али-

ҳатто унинг номи ҳам ана ўша лўқмага асосланган. Жиддийроқ ўйлаб қарасангиз, асар мазкур лўқмага нисбатан чўқурроқ асосларга эғалиги ҳам ангалилади. Унинг асоси халқ оғзаки ижодида, аниқроғи, Афандининг бир латифасида кўринади: Афанди кўшининг боғига ўғирликка тушибди. Қўшни ўғрини ушлаб олган экан, дарактининг устида турган Афанди унинг ўзини айблаб келибди: "Нега ўзинг хотинингга қаттиб овермайсан?" Қўшни: "Сенин ўғирлигингга меннинг хотинимга қилиш овермаганимнинг нима алоқаси бор?" — дея ажабланиб сўраган экан, Афанди очини тан олибди: "Нима қилай? Бир амаллаб сўвдан куруқ чиқшим керак-ку!"

Абдулла Қаҳҳор чинакам сўз санъаткори сифатида мазкур латифани ўзига хос тарзда ижодий ривожлантиради. Худди Афандига ўхшаб, ўзига сув юқтирмай, сўвдан куруқ чиқшига беҳуда уринаётган мулла Норқўзининг ҳам кулгили, ҳам аянчили ҳолатига аччиқ заҳархандага йўрилган бир лўқма билан керакли баҳони беради. Айти чогда тағдор имо-ишора, пичинг, қочирим қилади: "Ҳа, мулла Норқўзининг хотини майиз емаган!"

Шу бир калима сўзни айтган муаллифининг гап тағидида гап сифатида турган тағмаънони зўқоқ ўқувчининг ўзи фаҳмлаб олади, албатта.

"Асар шавқ билан ўқилиши керак" деган эди Абдулла Қаҳҳор. Бу буюқ сўз санъаткорининг ҳар бир асари, ҳаттоки, ҳар бир жумласининг шавқ билан ўқилишига бош сабаб ҳам улар замиридаги тағмаънолар, қочиримлар, пичинглар, учурқлар, гап тағидида гап, коса тағидида нимқосалардир.

Тасаввур

Сўнги йилларда тасвирий санъат анча ривожланиб бораётганининг гувоҳи бўламиз. Олам сирларини идрок этишга уриниб, ўз тасаввурларига шакл излаш рассомларнинг доимий машғулотига айланган қолган-дек, гўё... Айниқса, бу санъатнинг реализмдан то постмодернизмгача бўлган йўли ана шу кизинининг босқичма-босқич кўринишларини ёдга солади. Лавҳамиз қаҳрамони ҳам тиниб-тинчимасан мусаввир. У ижодга бутун борлиги билан берилган кезларда бўёқлар ўрнига турли ифода воситаларини қўллай бошлайди ва инсталляция жанридаги асарларини яратди. Бунда унинг хомашёси одатдаги бўёқ ва мато эмас, балки табиатда учрайдиган турли буюмлар бўлади. У изланишларини яна давом эттириб, томошабинни нафақат асарга қараб завқланиш, балки унда бевосита иштирок этиб, таъм, ҳид билиш сезгилари орқали таъсир этишга эришади. Натижада «перформанс» деб номланувчи янги жанр юзга келади...

Халқаро кўрғазмалар иштирокчиси, **ёш рассом Дир Розиков** билан суҳбатимиз замонавий жанрлар ва уларнинг инсон рўзигига таъсири хусусида кечди.

Рухийятни аниқлаш

— Бугун санъатимизда инсталляция, видео-арт, перформанс каби жанрлар етакчилик қиляпти, — дея сўхбатни бошлади рассом. — Яқинда ана шу жанрларда ижод қилувчи дунё рассомларининг асарлари йилнинг каталогни тараққий қилди ва тушундимки, санъаткор ўзи тарбияланган туйғулар, миллий қарашлар таъсирида ижод қиларкан. Каталогдан ўрин олган асарларим гояйи жиҳатдан бошқа жанрлардан фарқ қилмас-да, ўзига янги шакл топа олган. Бу ҳам давр талаби. Негаки, томошабин бириктирилган зерикади, ўз дидига мос асарларни қидира бошлайди. Ҳозир санъатимизда ғайриоддий шаклларга эҳтиёж ортгани ҳам шундан. Жуда кўп буюмлар мавзунини очишга хизмат қилиши мумкин. Фақат унинг меъёрини топиб, ҳис-туйғулар тўғри йўналтирилса бўлган. Ўрни келганда тош, дарахт, кум ёки оддий лимон ҳам устасининг қўлида буюк асарга айланади.

— **Дарвоқе, сиз чизган суратларни кузата туриб, турли шаклдаги лимон бўлақларига кўзим тўтиш...**

— Польшда ва юртимизда ўтказилган «Ойжамол» кўрғазмасида бир неча асарларим билан қатнашдим. Бу асарлар интерфал перформанс жанрида яратилган. Бошқаларидан фарқи шундаки, унда рассом нафақат яратди, балки жараёнда ўзи ва томошабиннинг иштирок этишини таъминлайди. Мен лимонни турли шаклларда тўғраб, кичик бўлақларини девордаги матога изчиллик билан тизиб чиқдим. Уларга кўзи тушган киши ажойиб таъмини сеза бошлайди.

Кўриниб турибдики, рассом лимоннинг турли шакллари орқали томошабинни асарни «татиб» кўришга чорлайди. Бу эса муҳлисининг бутунлай бошқа туйғунини ҳис этишига имкон беради. Томошабин бир вақтнинг ўзида ҳам

таъмини туйиб, ҳам гўзалликдан баҳраманд бўлади. Мана сизга, кичик жанрнинг катта имкониятлари... — **Қайси мавзуларга кўпроқ мурожаат қиласиз?**

— Қайси мавзуга қўл урмайин, барибир, реал ҳолатдан узоқлашмайман. Фақат шакл ўзгаради, ҳоло. Дастлаб ижодимни манзара жанрида бошлаганман. Кейинроқ замонавий жанрларга қизиқа бошладим. Бизга бу йўналиш тахминан ўн йил аввал кириб келган. Янги авлод вакили бўлганим учунми, фикрингиз, мавзунинг янги ифодаланиши эътиборимни ўзига жалб этди.



Фотоаппарат ихтиро этилган, портрет жанри йўқолиб кетмаганидек, модернизм асарлари натурализм ўрнини босолмайди. Ҳаммаси ўз жозибаси билан қадри. Ўйлаб қолдим, жанр имкониятлари чексиз экан, демак, рассом бундан ўз ўрнида фойдаланиши билиши ҳам керак. Масалан, бутун инсониятга ҳавф тўғрираётган экологик муаммолар ҳақида «Эй, инсонлар, огоҳ бўлинг, глобал иссиқ хавфи туғилди», дея сўз ёрдамида огоҳлантириш мумкин. Аммо уни санъат тилида «айтса» таъсирчанлиги янада ошади. Санъатнинг жозибаси ҳам шунда!

«Савол» номли бир асар ишладим. Унда ер ости бойликларида оқилона фойдаланиш кераклиги уқтирилади. «Савол» ёзувининг ҳар бир ҳарфи мос сўз топиб, муаммонинг оқибатларини кубик шаклида тасвирладим. Кўрғазмада келган томошабин бу асарга ўзгача қизиқиш билдирди.

— **Лекин баъзи ҳамкасбларингиз ижодини кузатиб, ана шу замонавий жанрларда мантиқ бузилаётганининг гувоҳи бўламиз...**

— Тўғри, шундай асарлар ҳам учрайди. Ёш ижодкорларнинг қарашлари ўта турфалиги учунми, баъзан меъёрни унутиб қўйишади.

морт ва пейзажлар яратган истеъдод эгаси ҳисобланади. Замонавий йўналишга қўл ургани унинг маънавий эҳтиёжи, ҳолос.

— **Демак, рассомликда янги жанр асарларига ўзгача руҳият орқали ёндашиш, кенгрок тарғиб қилиш эҳтиёжи туғилди. Шундайми?**

— Бугун ён-атрофда эстетик таъсир этувчи воситалар кўп. Аммо томошабинга бирор фикрни рамзий ифодалар ва тимсоллар воситасида етказиш ҳар доим таъсирчанлики оширади. Агар фикрингизни ўзгачароқ, сирлироқ усулда айтсангиз, унга одамлар кўпроқ қизиқади. Баъзан мендан «Нега асарингизнинг номи «Кўёш» бўла туриб, ўзи булутни эслатапти?», деб сўрашади. Тушунтираман... Булутни кўриб, «Ҳа, бу булут экан», деб ўтиб кетиш мумкин. Бу кўриниш эътиборни деярли тортмайди. Бизнинг мақсадимиз эса кишини ўйлантириш. Ҳайратимиз, демак фикрлайди. Фикрлаш эса қалбни юксалиш, янгиликни сари бошлайди.

— **Йўлим тушиб, германиялик рассом Гюнтер Юккер кўрғазмасига бордим. Асарлар жойлаштирилган катта залда «Азалу абаддан қолган олтишта калом» деб номланган композиция йиғилган эди. Эътибор бериб қарасам, улар томошабинда асосан салбий кайфият уйғотувчи сўзлардан иборат...**

— Шунинг учун ҳам бу реализм эмас, балки модернизм дейилади-да! Томошабин ўша салбий тушунчаларга қараб тўғри хулоса чиқаради. Бахтсизликни ҳис этгач, бахтнинг қадрига етади. Балки сиз ҳам салбий сўзларни ўқигач, ўзгача ташналик билан ижобий маъноларни туйғандирсиз?! Рассом инсонни эзгуликка чорлаётгани, демак, ўша кўҳна концепциядан узоқлашгани йўқ, яъни, ижод эзгуликка хизмат қиляпти...

Шоҳсанам ХИДИРОВА
суҳбатлашди

Истеъдод

Сирли оҳангларга ошуфта кўнгли

Инсон тафаккури, онги гўдаклигидан гўзалликка эш бўлиб шаклланади. Кундузлари табиат бағрида чуғурашаётган қушлар ва чириллаб туннинг сокинлигини бузаётган чигирткалар овозидан ҳам гўзаллик излайди. Шундан бўлса керак, мусиқани миллатидан қатъи назар, ҳамма бирдек тушунади, баҳра олади.



бахорида «Сени куйлайман, Ўзбекистон!» шiori остида бўлиб ўтган республика кўрик-танловининг вилоят босқичида биринчи ўрин соҳибига айланди. Бундан ташқари, «Нихол-2011» кўрик-танловининг республика босқичида мусиқа ижрочилиги йўналиши бўйича ғолиб деб топилди.

— Коллежда ўқиб юрган пайтларимда, — дейди Шерзод Шодиев, — илк бор Исроил Воҳидовдан най чалиш сирларини, Оқил Турдиевдан маком йўналишини ўргандим. Бугунги камтарона ютуқларимда бу инсонларнинг хизматлари бениҳоя катта. «Нихол» мукофоти зиммамга янада катта масъулият юклайди. Янада кўпроқ жозибали куйлар басталашга ундайди. Зеро, найнинг сирли ва сехрли куйи мени ўзига мафтун этган.

Бугун юртимизда Шерзод сингари тинимсиз ижодий изланишлари оғушида юрган иқтидорли ёшлар кўп. Уларнинг ҳар бири бир дунё. Мана шундай истеъдод эгалари ўзбек санъатини янада юксакларга кўтаришига умид қиламиз.

PS: Ушбу сатрлар газета саҳифаларига муҳрланганда 2-сон санъат мактаби директори Ахат ака Қаландаровдан ноб истеъдод соҳиб Шерзод Шодиевнинг Франциянинг Руэй Мальмезон шаҳрида ўтказилган кураш бўйича III халқаро Ўзбекистон Республикаси Президенти Гран-при соврини учун турирнинг очилди маросимида иштирок этгани ҳақида хушхабар олдик.

Маърифат ШАРИПОВА

Бирор мусиқий асбобни чалаётган созандани ҳеч кузатганимиз? У басталаётган куйига юрак тўғнларини жо қилгандек гўё. Мана шундай юрак амридан яралган мусиқий асарлар ҳаммани бирдек мафтун этади, қалбларни ларзага солади. Куйларни кўнглиларга моҳирона етказиб бера олувчи ана шундай ёш созандалардан бири навоийлик Шерзод Шодиевдир.

Санъаткор оиласида дунёга келган мақолами қаҳрамони болалик пайтларида ўзича қушиқлар хиргойи қилиб юрарди. Мактабнинг бошланғич синфида ўқиб юрган кезларида эса унинг мусиқага бўлган иқтидорини намоён бўлди. Ушунда Карман туманидаги 2-сонли мусиқа мактабидан ўтказилган танловда «Отмағай тонг» газалини ижро этиб, биринчи ўринни қўлга киритди. Кейинчалик Шерзод Навоий шаҳрида-

ги маданият ва санъат коллежининг анъанавий чолғу бўлимида тахсил олди. Талабалик даврида Қарши шаҳрида ўтказилган республика макомчилар кўрик-танловидан фахрлий учинчи ўрин соҳиб бўлди. Тинимсиз меҳнатлари сабабли ана шундай кўп қўлаб танловларда иштирок этиб, фахрлий ўринларни эгаллаган Шерзод Шодиев Абдулла Қодирий номли Тошкент давлат маданият институтига ўқишга қабул қилинди. Бу ерда Оролмирзо Сафаров, Халимжон Жўраев, Раҳматжон Турсунов каби устозларидан тахсил олди.

Санъат сирларини пухта эгаллашга интилаётган ёш санъаткор 2009 йилдан буюн Карман туманидаги Алишер Навоий номли маданият уйида фаолият кўрсатапти. Шу билан бир қаторда 2010 йилда «Шод» гуруҳини ташкил этган Шерзод ҳозир ушбу гуруҳнинг бадий раҳбари саналади. Жорий йил

МДХНИНГ БИР ҚАТОР ДАВЛАТЛАРИГА АРЗОН НАРХДА КЎНГИРОҚЛАР

«Яқин мамлакатлар» хизмати

МДХ мамлакатларига кўнгироқлар* **\$0,25** (1 дақиқа учун)

Уланиш учун *111-0291# @ USSD-сўров юборинг

Ишловчи: МДХ
* Активация шартли — \$0,05
* Абонент сўлови — \$0,02 минутга (10-15 секунд) таъмин учун оғир \$0,60
* Қўнгироқдан бериб тўғридан ва оқибатдан фойдаланишдаги муаммо (RED Error, RED Limit ва RED Limit абонентларидан қўнгироқ)
* Белоруссия, Молдова, Россия, Тожикистон, Туркменистон, Украина, Ўзбекистон ва Ўзбекистон

МТС бир қадам олдинда



Ф Муҳим уч очко қўлга киритилди

У Кеча Осие қитъасининг бир қатор мамлакатларида 2014 йили Бразилияда бўлиб ўтайдиган футбол бўйича жаҳон чемпионати саралаш баҳслари доирасидаги учрашулар бўлиб ўтди. Эътиборли томони, Шимолий кореялик футболчиларга қарши меҳмонда тўп сурган Ўзбекистон миллий терма жамоаси жаҳон чемпионати йўлида навбатдаги муҳим уч очкони қўлга киритди.

Терма жамоамиз бош мураббийи Вадим Абрамов ушбу ўйинда асосий таркибда куйидаги футболчиларни майдонга туширди: дарвозабон — Игнатий Нестеров, ҳимоячилар — Виталий Денисов, Одил Аҳмедов, Ислом Тўхтажоев, ярим ҳимоячилар — Виктор Карпенко, Азиз Хайдаров, Темур Кападзе, Санжар Турсунов, Жасур Хасанов, Сервер Жепаров, ҳужумчи — Александр Гейнрих. Кутилганидек, учрашувни вакилларимиз эҳтиёткорлик билан бош-

лашди. Футболчиларимиз асосан қанотлар орқали ҳужумлар ташкил этди. Шу тариқа биринчи бўлим ўрталарига келиб учрашув тизгини қўлга олди. Бунинг самараси ўлароқ, 25-дақиқада футболчиларимиз ҳисобни очишти. Гол муаллифи — маҳоратли ҳужумчи Александр Гейнрих бўлди. Дастлабки бўлимдаёқ ўйин ривожини баҳолай олган жамоа бош мураббийи Вадим Абрамов ўз таҳрибасини қўллай олмаган Жасур Хаса-

нов ўрнига майдонга Вагиз Галиуллинни туширгани мақсадга мувофиқ бўлди.

Учрашувнинг иккинчи бўлими ҳам деярли тенг курашлар остида ўтди. Шимолий кореяликлар мувозанатни тиклаш мақсадида ҳужумга зўр беришди. Вакилларимиз эса асосан қарши ҳужумлардан ўз омадларини излашди. Хуллас, ўйин якунига қадар ҳимояда ишончли тўп сурган футболчиларимиз 0:1 ҳисобини сақлаб қолишга эришдилар. Энг муҳими, қийин ўтган сафар учрашувида муҳим уч очко қўлга киритилди.

«С» гуруҳидаги иккинчи ўйин эса Япония ва Тожикистон жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Унда 8:0 натижаси қайд этилди.

Азиз РЎЗИЕВ

Газетанинг навбатдаги сони 2011 йил 26 октябрь, чоршанба кунини чиқарди.

